ОКТЯБРНИНГ ШОНЛИ ЙЎЛИДАН

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН | № 263 (16.649). | 8 ноябрь 1976 йил, душанба | Баҳоси 2 тийин.

Ватанимиз халқлари ва барча прогрессив кишилар Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 59 йиллик байрамини зўр ифтихор ва катта тантана билан нишонладилар. Шонли Октябрга бағишланган тантаналар партия ва халқнинг мустаҳкам бирлигини, мамлакатимиз меҳнаткашларининг қардошларча дўстлигини яна бир бор намойиш қилди.

МОСКВА. 1976 йил 7 ноябрь. Қизил майдон. Улуғ Октябрь социалистик революцияси 59 йиллигининг байрам қилиниши. В. И. Ленин Мавзолейи минбарида.

ТАСС фотохроникаси.

ОКТЯБРНИНГ ҒОЛИБОНА ОДИМИ БИЛАН КОММУНИЗМ САРИ!

ҚИЗИЛ МАЙДОНДА ҲАРБИЙ ПАРАД ВА МЕҲНАТКАШЛАР НАМОЙИШИ

Қизил майдон, Москва, бутун мамлакат тантанали қизил алвонларга бурканган... ғалабаларимиз ва қувончларимиз шу табаррук алвон остида вужудга келиб, кўпайиб бормоқда. Бугунги байрам — социалистик Ватаннинг туғилган куни ҳамма жойда КПСС XXV съезди тарихий қарорларини илҳом билан амалга ошираётган совет халқининг меҳнат зафарлари билан нишонланди.

«Партиянинг XXV съезд белгилаб берган йўли мамлакатнинг иқтисодий потенциалини муттасил ошириб боришни, социалистик ижтимоий муносабатларни такомиллаштиришни, коммунизм сари олга ҳаракат қилиб боришимизни таъминламоқда, — деди ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитетининг Пленумида сўзлаган нутқида. — Бу йўл мамлакат олдида турган ва ҳар бир совет кишисининг манфаатларини кўзда тутган энг актуал проблемаларни ҳал этишга қаратилган». Бу сўзлар барча совет кишилари дилида зўр акс садо бермоқда.

Улуғ Октябрь 59 йиллиги байрами мамлакатни социал-иқтисодий жиҳатдан янада ривожлантиришнинг самаралли тактикасини белгилаб берган КПСС Марказий Комитети октябрь Пленуми ва СССР Олий Совети сессияси қарорларининг зўр жозибали таъсири остида ўтмоқда. Буюк миқёс ва катта имкониятлар беш йиллиги — ўнинчи беш йиллик план қабул қилинди. Шу беш йилликда халқ хўжалиги ривожининг энг муҳим кўрсаткичлари мамлакатимизнинг бутун тарихи давомида мислсиз энг юқори абсолют ўсиши кўзда тутилган. Беш йил мобайнида саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 36 процент, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти 16 процент кўпаяди. Халқ хўжалигига 621 миллиард сўмдан кўпроқ маблағ сарфланади.

Салобатли Қизил майдон байрам либосида. Бош универмаг пештоқидаги катта қизил алвонга Владимир Ильич Ленин портрети тушириллган. 1917 йил революциясининг қаҳрамонлари — ишчи, матрос, солдат ўзларига кунимизга катта паннодан қараб туришибди. Улар ёнида етмишинчи йилларнинг қаҳрамонларига кўзингиз тушади. Улар ўз сафларини метиндек жиндаштириб, октябрь ишига содиқ эканликларини тасдиқлаб туришибди. Байроққа: «Коммунизм — ғалаба қилади!» деган сўзлар ёзилган.

Осмонга бўй чўзган мачталарда СССР давлат байроғи, барча иттифоқдош республикаларнинг байроқлари ҳилпирайди. Майдоннинг бошқа тарафида. Кремль деворида — совет халқлари бузилмас дўстлигининг рамзи бўлган мамлакатнинг давлат герби ва иттифоқдош республикаларнинг ўн беш герби ёнма-ён турибди.

Тарих музейи биносидаги монументал панно бугунги байрамнинг бош мавзуи — коммунизм бинокорлари — бунёдкорлик йўлида деган маънода эканлигини тасвирлайди. Ишчи «муқобил план»ни қўлига ушлаб олган. «КПСС XXV съезди тарихий қарорларини бажарамиз!» деган сўзлар шиорда товланади.

Меҳмонларга ажратилган минбарлар революциянинг шонли ветеранлари, граждандар уруши ва Улуғ Ватан урушининг қаҳрамонлари, меҳнат қаҳрамонлари, заводлар, фабрикалар, қурилишлар, колхоз ва совхозларнинг илғорлари, таниқли фан ва маданият арбоблари, космонавтлар билан лиқ тўлади. Совет Иттифоқидаги дипломатия ваколатхоналарининг бошлиқлари, кўпдан-кўп чет эллик меҳмонлар ҳозир бўлишган.

Спасск минораси соатининг миллари ўнга яқинлашади. Майдон узра қудратли қарсаклар. «Ура!» садолари янграйди. «КПССга шон-шарафлар!». «Коммунистик партия ленинчи Марказий Комитетига—шон-шарафлар! Шон-шарафлар! Шон-шарафлар!» деган хитоблар эшитилади.

Коммунистик партия билан Совет давлатининг раҳбарларини москваликлар ва пойтахт меҳмонлари ана шундай самимий табриклаб кутиб оладилар.

Л. И. Брежнев, Ю. В. Андропов, В. В. Гришин, А. А. Громико, А. П. Кириленко, А. Н. Косигин, Ф. Д. Кулаков, К. Т. Мазуров, А. Я. Пельше, Н. В. Подгорний, М. А. Суслов, П. Н. Демичев, Б. Н. Пономарев, М. С. Соломенцев, И. В. Капитонов, В. И. Долгих, К. Ф. Катушев, М. В. Зимянин, К. У. Черненко, Я. П. Рябов ўртоқлар Мавзолей минбарига чиқадилар.

Совет Иттифоқи Маршаллари, қўшин турларининг маршаллари, Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флотининг генераллари ҳамда адмираллари ҳам шу ерда, минбарда туришибди.

Эрталаб соат ўн. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР мудофаа министри, Совет Иттифоқи Маршали Д. Ф. Устинов очик машинада Спасск дарвозасидан чиқиб келади. Парад қўмондони тушган машина унга қараб йўл олади. Ленин орденли Москва ҳарбий округи қўшинларининг қўмондони генерал-полковник В. Л. Говоровнинг рапортини қабул қилиб олгач, СССР мудофаа министри қўшинларнинг сафларини айланиб чиқади, уларни байрам билан табриклайди. Жангчилар қудратли «Ура!» деб жавоб бераднлар.

Қўшинлар сафини айланиш тугайди. СССР мудофаа министри Мавзолей минбарига чиқиб нутқ сўзлайди.

Ўртоқ Д. Ф. УСТИНОВ нутқи

Совет Қуролли кучларининг жангчилари, ўртоқлар!

Совет Иттифоқи меҳнаткашлари!

Муҳтарам чет эллик меҳмонларимиз!

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети ва Совет ҳукумати номидан ҳамда уларнинг топшириғига мувофиқ сизларни умумхалқ байрами— Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 59 йиллиги билан табриклайман ва қутлайман.

Улуғ Октябрь жаҳонда ишчилар ва деҳқонларнинг биринчи давлатини барпо этди, У инсоннят тарихида янги даврни — капитализмдан социализмга ўтиш даврини бошлаб берди. Эндиликда юз миллионлаб кишилар Улуғ Октябрнинг Ленин байроғи остида, социализм байроғи остида яшамоқдалар, юз миллионлаб меҳнат аҳли янги ҳаёт учун фидокорона кураш олиб бормоқда.

(Давоми иккинчи бетда).

КРЕМЛНИНГ СЪЕЗДЛАР САРОЙИДА БАЙРАМ ҚАБУЛ МАРОСИМИ

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ҳукумати Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 59 йиллиги муносабати билан 7 ноябрь куни Кремлнинг Съездлар саройида қабул маросими ўтказди.

Қабул маросимида Л. И. Брежнев, Ю. В. Андропов, В. В. Гришин, А. А. Громико, А. П. Кириленко, А. Н. Косигин, Ф. Д. Кулаков, К. Т. Мазуров, А. Я. Пельше, Н. В. Подгорний, М. А. Суслов, Д. Ф. Устинов, П. Н. Демичев, Б. Н. Пономарев, М. С. Соломенцев, И. В. Капитонов, В. И. Долгих, К. Ф. Катушев, М. В. Зимянин, К. У. Черненко, Я. П. Рябов ўртоқлар бор эди.

Қабул маросимида Бразилия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари Луис Карлос Престес, Ирландия Коммунистик партиясининг Бош секретари Оърнордан, Панама Халқ партиясининг Бош секретари Рубен Дарио Соуса Батиста, Сурия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари Холид Бағдош, Уругвай Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари Родней Арисменди, Чили Коммунистик партияси Марказий Комитети Сиёсий комиссиясининг аъзоси Володя Тейтельбоймлар иштирок этдилар.

Қабул маросимида КПСС Марказий Комитетининг аъзолари ва Марказий Комитет аъзолигига кандидатлар, КПСС Марказий Ревизия комиссиясининг аъзолари, партия ветеранлари, СССР ва РСФСР Олий Советларининг депутатлари, министрлар, ҳарбий бошлиқлар, саноат ва қишлоқ хўжалиги илғорлари, фан ва маданият арбоблари, космонавт учувчилар, совет жамоатчилигининг вакиллари, Қизил майдондаги ҳарбий парад қатнашчилари ҳозир бўлдилар.

Залда чет давлатларнинг Совет Иттифоқидаги элчилари, байрамда қатнашмоқ учун Москвага келган чет эллик меҳмонлар, дин вакиллари, совет ва чет эл журналистлари ҳам бор эди.

Қабул маросимида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев нутқ сўзлади.

Ўртоқ Л. И. БРЕЖНЕВ нутқи

Азиз ўртоқлар! Дўстлар! Ҳурматли чет эллик меҳмонлар!

7 ноябрь — Октябрь социалистик революцияси навбатдаги йиллиги куни совет кишилари учун ҳамиша катта, шодиёна байрам бўлади. Бу — мамлакатимизнинг миллий байрами ва айни вақтда халқаро юбилейдир, чунки планетамиздаги социализм шу куни туғилган.

Аммо, бугун, азиз дўстлар, байрамимизнинг алоҳида маъноси бор. Бугун совет халқи Совет социалистик давлати яшай бошлаганлигининг 60-йилига қадам қўйди.

Шу куни ҳис-туйғуларимизнинг табиий юксаклиги, улуғ Ватанимиз учун, ленинчи партиямиз учун, қаҳрамон совет халқи учун фахрланишимиз бошқа бир туйғу билан қўшилиб кетмоқда. Бунда мен ҳаммамизнинг зиммамизги ҳозирги алоҳида масъулиятни чуқур англашимизни назарда тутяпман. Бу масъулият келгуси шонли йилликни ишимизнинг, коммунистик қурилишимизнинг ҳамма соҳаларида янги муваффақиятлар билан муносиб равишда кутиб олишдан иборат. Заводларда ва далаларда, олимларнинг кабинетларида ва лабораторияларида, санъатнинг юксак гоявийлик билан тўлиб-тошган янги гўзал асарларини яратишда янги муваффақиятларга эришайлик. Севикли мамлакатимиз мустаҳкам хавфсизлигини таъминлашда ва партиямиз билан Совет давлатимизнинг ер юзида мустаҳкам тинчлик учун, халқларнинг озодлиги ва мустақиллиги иши учун, инсониятнинг тараққиёти учун тинимсиз курашида янги муваффақиятларга эришайлик.

КПСС Марказий Комитетининг яқинда бўлиб ўтган Пленуми ва СССР Олий Советининг сессияси ўнинчи беш йилликда ва келгуси — 1977 йилда мамлакатимизни ривожлантириш планларини муҳокама қилиб, тасдиқлади. Булар — кенг миқёсдаги дадил планлардир. Бу планларда Ватанимиз қудратини янада зўр бериб юксалтириш, совет халқи фаровонлиги ва маданиятини янада анча ошириш кўзда тутилган.

Аммо бу — қийин, тиғиз планлар ҳамдир. Уларни бажариш учун бутун халқ зўр ғайрат ва сабот билан меҳнат қилиши керак бўлади, бутун ишимизнинг сифатини ошириш керак бўлади.

Коммунистик партиямиз халқни шунга даъват этмоқда. Совет халқи ҳам бу даъватга меҳнатда янги жасоратлар кўрсатиш, хўжалик қурилишининг, фан, маданиятнинг ҳамма соҳаларида ва бутун ижтимоий ҳаётда янги ютуқларга эришиш билан жавоб бермоқда.

Бу йил қишлоқ хўжалигимиз меҳнатчилари рекорд натижаларга эришиб, мамлакатни айниқса қувонтирдилар. Бунда бутун мамлакат уларга ёрдам берди, шу боисдан ҳам бутун мамлакат уларнинг шонли ғалабасини олкишламоқда.

Ўртоқлар! Қизил майдонда ҳозиргина тугаган парад ва меҳнаткашлар намойиши халқимизнинг ўз ленинчи партияси теварагида жипслашганлигининг, у ўз кучларидан кўнгли тўқлигининг, коммунизм қурилиши ва ер юзида тинчликни мустаҳкамлаш соҳасида ўз олдига қўйган буюк вазифаларни бутун куч-ғайратни сарфлаб, амалга оширишга қаттиқ бел боғлаганлигининг янги яққол тимсолидир!

Шу тарихий вазифаларни ҳал этишда совет кишиларининг янги муваффақиятлари учун!

Совет жамиятининг суянган тоғи — ажойиб ишчилар синфимиз учун!

Социалистик қишлоқ хўжалигининг шонли меҳнатчилари учун!

Фан, маданият, маориф, соғлиқни сақлаш ходимлари учун — барча халқ зиёлиларимиз учун!

Ватанимизнинг содиқ ҳимоячилари — Совет Қуролли Кучларининг жангчилари учун!

Қардош социализм мамлакатларидаги дўстларимиз ва иттифоқчиларимиз учун!

Капитал мамлакатларида озодлик, демократия ва социализм йўлида курашаётган синфдош қардошларимиз учун!

Мустамлака зулмини улоқтириб ташлаб, мустақиллик ва социал тараққиёт йўлига ўтган дўст давлатларнинг халқлари учун!

Бутун дунёда тинчлик учун қадаҳ кўтаришга ижозат бергайсиз!

Байрамингиз қутлуғ бўлсин, азиз дўстлар!

* * *

Қабул маросими самимият, сидқидиллик вазиятида ўтди.

Қабул маросими қатнашчилари учун санъат усталари байрам концерти қўйиб беришди.

(ТАСС).

ЖОНАЖОН ПАРТИЯ, ИШЛАРИМИЗ, ҚАЛБЛАРИМИЗ СЕНГА БАҒИШЛАНГАН!

ТОШКЕНТДА ҲАРБИЙ ПАРАД ВА НАМОЙИШ

Ўзбекистон Улуғ Октябрнинг шодиёна байрамини бунёдкорлик ишлари жўш урган бир вазиятда кутиб олди. Ўнинчи беш йилликни шаҳдам қадамлар билан бошлаган кўпдан-кўп меҳнат коллективларининг рапортлари Улуғ Октябрь байрами шарафига берилган тантанали салютдек янгради. Республика меҳнаткашлари Совет ҳокимиятининг шонли йиллиги кунида КПСС XXV съезди, партия Марказий Комитети 1976 йил октябрь Пленуми қарорларида, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг ана шу Пленумда сўзлаган нутқида ўртага қўйилган масъулиятли вазифаларни муваффақиятли амалга ошириш учун астойдил бел боғлаганликларини изҳор этдилар.

Коммунистик партия ва Совет давлатининг асосчиси — Владимир Ильич Ленин номи билан аталган Тошкентнинг марказий майдони бугун ҳам ҳар қачондагидек улуғвор. Улуғ Октябрнинг 59 йиллиги шарафига КПСС Марказий Комитетининг Чақириқлари ёзилган улкан транспарантлар ва паннолар Қизил майдоннинг атрофидаги биноларнинг баланд пештоқларида ҳилпираб турибди. Ильич ҳайкалининг ҳар икки томонида Карл Маркс билан Фридрих Энгельснинг, партия ленинчи Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоларининг портретлари кўзга ташланади.

Меҳмонлар чиқадиган минбарларда— Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари, СССР ва Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутатлари, атоқли фан ва маданият арбоблари, революцион ҳаракат ветеранлари, чет эллик меҳмонлар бор.

...Эрталаб соат ўн. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **Ш. Р. Рашидов**, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюроси аъзолари ва бюро аъзолигига кандидатлар **И. Г. Анисимкин, И. Р. Қурбонов, Н. М. Матчонов, М. М. Мусахонов, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, А. А. Хўжаев, Н. Ж. Худойбердиев, Н. Маҳмудов, Э. Б. Нордман, С. У. Султонова**, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари **А. С. Абдалин**, республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари **Р. Ҳ. Абдуллаева, Қ. А. Аҳмедов, Г. А. Габриельянц, М. Т. Турсунов, А. Р. Хўжаев** ҳукумат минбарига кўтарилади.

Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи қўшинларининг қўмондони генерал-полковник **С. Е. Белоножко** тушган автомашина майдонга кириб келади. У парад қўмондонининг рапортини қабул қилгач, майдонда ва Парадлар ҳиёбонида саф тортиб турган қўшинларнинг бўлинмаларини айланиб ўтганидан кейин минбарга кўтарилиб, солдатларга, сержантларга ва прапорщикларга, офицерлар ва генералларга. Тошкент ҳамда бутун Ўзбекистон меҳнаткашларига қарата нутқ сўз-

(Давоми иккинчи бетда).

ТОШКЕНТ. 1976 йил 7 ноябрь. Ленин номли майдон. Суратларда ҳарбий парад ва меҳнаткашларнинг байрам намойишлари.
А. Тўраев фотолари.

ОКТЯБРНИНГ ҒОЛИБОНА ОДИМИ БИЛАН КОММУНИЗМ САРИ!

(Бошн биринчи бетда).

Бизнинг Ватанимиз КПСС XXV съездининг тарихий қарорларини амалга ошириш учун умумхалқ кураши вазиятида социалистик революциянинг олтмишинчи йилига қадам қўймоқда. Съезднинг илҳомбахш ғоллари совет жамиятининг моддий қучи ва ривожланишининг қудратли омили бўлиб қолди. Қаҳрамон ишчилар синфи ўнинчи беш йиллик биринчи йили план топшириқларини ошириб бажармоқда. Бизнинг шонли қишлоқ меҳнаткашларимиз мўл ҳосил етиштирдилар ва давлат олдидаги юксак мажбуриятларини шараф билан бажармоқдалар. Совет халқ зиёлилари баланд ижодий руҳ билан ишламоқдалар. Партия ва ҳукуматнинг совет кишилари турмуш даражасини янада оширишга қаратилган тадбирлари муваффақият билан амалга оширилмоқда.

Қардош социалистик давлатларнинг меҳнаткашлари совет халқи билан бир сафда бормоқдалар. Улар ривожланиш йўлида янги катта муваффақиятларга эришдилар. Социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари жаҳон воқеаларининг боришига тобора кучли ва чуқур таъсир ўтказмоқдалар.

Партиямиз Марказий Комитети, Совет ҳукумати тинчлик ва халқаро ҳамкорлик учун, халқлар озодлиги ва мустақиллиги учун бундан буён олиб бориладиган курашнинг КПСС XXV съезди белгилаб берган программасини қатъият ва изчиллик билан амалга оширмоқда. Совет Иттифоқининг, бошқа социалистик мамлакатларнинг, бутун дунё прогрессив жамоатчилигининг куч-ғайрати туфайли халқаро кескинликни юмшатиш жараёнини кучайтириш ҳамда ижтимоий тузумлари турлича бўлган давлатлар ўртасида иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий соҳаларда ҳамкорликни кучайтириш учун янги қулай шарт-шароитлар яратилмоқда.

Шу билан бирга кескинликни юмшатиш соҳасидаги муваффақиятлар агрессив империалистик доираларнинг қаттиқ қаршиликларига дуч келаётганлигидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Улар халқларнинг иродасини ва давлатларнинг суверен ҳуқуқларини назар-писанд қилмай жаҳон революцион жараёнининг голибона ривожини тўхтатишга уринмоқдалар, ҳарбий бюджетларни ҳаддан ташқари оширмоқдалар, ер юзининг турли районларида ўзларининг хатарли игвогарлик ҳаракатларини давом эттирмоқдалар. Бу эса мустаҳкам халқаро ҳамкорлик учун кураш йўлида барча прогрессив кучларнинг янада кўпроқ жипслигини ва эҳтиёткорлигини талаб қилади.

Совет кишилари пролетар интернационализмининг муқаддас принципларига содиқ бўлган ҳолда социализм манфаатларини, халқлар озодлиги ва мустақиллиги ишини қаттиқ ҳимоя қилиб, тинчлик душманларининг кирдикорларини зийраклик билан кузатиб турибдилар.

Леонид Ильич Брежнев КПСС Марказий Комитетининг октябрь Пленумида сўзлаган нутқида бундай деди: «Мамлакат Қуролли Кучларини бундан буён ҳам юксак даражада сақлаш, совет жангчиларини доимо энг замонавий қурол-яроғ билан таъминлаш, бу билан империалистлар ҳисоблашган бўлишларига эришиш — бизнинг халқ олдидаги бурчимиздир, биз бу бурчимизни муқаддас билиб бажо келтирамиз!»

Бугун комил ишонч билан айтиш мумкинки, партиянинг меҳрибонлиги совет халқи ва унинг жангчиларининг фидокорона меҳнати туфайли Советлар мамлакати мудофаасининг барча бўғинлари мустаҳкамдир. Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти революция, социализм ва тинчлик ишини қаттиқ туриб ҳимоя қилмоқдалар.

Ленин партияси тенграсига мустаҳкам жипслашган, ўз халқига содиқ Совет Қуролли Кучларининг шахсий составн доимо юксак жанговар шай ҳолда турибди ва социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг жангчилари билан биргаликда ўзининг ватанпарварлик ва интернационал бурчини шараф билан бажаришга тайёрдир.

Яшасин Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 59 йиллиги!

Яшасин улуғ совет халқи ва унинг қаҳрамон Қуролли Кучлари!

Ишчилар синфининг ва бутун халқнинг синалган авангарди Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига шон-шарафлар! Ура!

Майдон ўзра «Ура!» садолари уч карра янграйди. Артиллерия салюти гумбурлайди, Иигма ҳарбий оркестр Совет Иттифоқи гимнини ижро этади.

Қўшинларнинг тантанали юриши бошланади. Анъанага кўра ёш барабанчилар — Москва ҳарбий музика мактабининг талабалари олдинда борадилар.

Ҳарбий академиялар тингловчиларининг колонналари Қизил майдондан ўта бошлайди. Бу офицеллар ёш жангчиларнинг командири ва тарбиячиси бўлиш касбини танлаб олганлар. Улар Коммунистик партиянинг буйруғига мувофиқ Ватанни, социалистик ҳамдўстлик манфаатларини ҳимоя қилишга ҳар дақиқа тайёр бўлиб туришибди.

Ҳарбий академиялар юришини М. В. Фрунзе номидаги ҳарбий академия колоннаси бошлаб беради. Бу академия ўзининг салкам 60 йиллик тарихи давомида Коммунистик партияга, совет халқига чексиз садоқатли командирларни — юқори малакали мутахассисларни тайёрламоқда. Академияда тарбия кўрган кўпгина кишилар Улуғ Ватан уруши йилларида намуна кўрсатган машҳур ҳарбий бошлиқлар бўлиб етишишди.

Мавзолей олдидан В. И. Ленин номидаги ҳарбий-сиёсий академиянинг, Ф. Э. Дзержинский номидаги ҳарбий академиянинг, Совет Иттифоқи маршали Р. Я. Малиновский номидаги бронетанк қўшинлари ҳарбий академиясининг, В. В. Куйбишев номидаги ҳарбий инженерлик академиясининг, Совет Иттифоқи маршали С. К. Тимошенко номидаги химиявий муҳофаза ҳарбий академиясининг, Ю. А. Гагарин номидаги ҳарбий-ҳаво академиясининг, Н. Е. Жуковский номидаги ҳарбий-ҳаво инженерлик академиясининг тингловчилари ўтадилар. Улардан ҳар бирининг байроғида Ватан олдидаги жанговар хизматларидан дарак берувчи хилма-хил орденларнинг лентаси тасвирланган.

Қизил юлдузли ок-зангори байроқ остида М. В. Фрунзе номли Олий ҳарбий-денгиз билим юртининг талабалари ўтишади.

Улар Қизил майдонда шонли Совет Ҳарбий-Денгиз Флотининг вакиллари сифатида катнашишга мушарраф бўлганлар.

Гвардияча қисм десантчи-парашютчилари шаҳдам одим ташлаб кириб келадилар. Десантчи жангчилар Улуғ Октябрнинг 59 йиллиги шарафига олинган социалистик мажбуриятларни шараф билан бажардилар. Кўпчилик жангчилар жанговар ва сиёсий тайёргарлик аълочилари, юқори малакали мутахассислар, разрядли спортчилар бўлиб етишдилар.

Десантчилар ўрнини Москва олий чегара командирлари билим юртининг курсантлари, иккита Қизил байроқ ордени Болшқ флоти денгиз пиёда қўшинларининг қисми, Ф. Э. Дзержинский номидаги дивизиянинг солдат ва офицерлари оладилар. Қизил майдонда ҳозир бўлган кишилар Москва ва Калинин Суворовчи ҳарбий билим юртларининг, Ленинград Нахимовчи ҳарбий денгиз билим юртининг тарбияланувчиларини самимий кутиб оладилар.

Яна бир колонна — РСФСР Олий Совети номидаги Москва олий умумқўшин командирлари билим юртининг курсантлари кўзга ташланади. Мамлакатнинг энг кекса ҳарбий ўқув юртларидан бири, биринчи Москва революцион пулеметчилар мактаби негизида тузилган бу билим юрти 1917 йил декабрида В. И. Ленин шахсан берган кўрсатмага мувофиқ ташкил этилган эди. Улуғ Ватан урушининг даҳшатли йилларида ҳам, тинч ўқиш йилларида ҳам билим юрти юқори малакали командир кадрлар тарбиялаш юзасидан ўз олдига қўйилган вазифани шараф билан бажармоқда. Уни битириб чиққанлар орасида 70 дан ортиқ Совет Иттифоқи Қаҳрамони бор.

Ҳарбий техника ўта бошланди. Бронетранспортёрларда М. И. Калинин номидаги гвардияча мото-ўқчи Таман дивизияси бўлинмалари майдонга кириб келади. Бу қўшилма шонли жанговар йўлни босиб ўтган. Дивизия полклари ва бўлинмалари фронтнинг кўпгина участкаларида жанг қилиб, ҳамма жойда жанговар вазифаларни гвардиячасига бажарганлар. Таманчи жангчилар 1976 ўқув йилини муваффақиятли тугалладилар. Жангчиларнинг 40 процентдан кўпроғи жанговар ва сиёсий тайёргарлик аълочилари. 76 процента юқори малакали мутахассислар бўлиб қолдилар.

Урушдан кейинги йилларда Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз Флотининг жанговар техникаси неча марталаб янгиланди. Бу техника фан ва ишлаб чиқаришнинг энг янги ютуқлари асосида такомиллаштирилди. Ҳозир армия ва флотимиз энг мукаммал қуроллар билан, шу жумладан турли вазифаларни адо этувчи ракеталар билан таъминланган.

Артиллерия кетидан майдонда осмон ҳужумидан мудофаа ракета қўшинларининг кумушранг қурилмалари пайдо бўлади. Улар Ватаннинг тинч осмонини ҳар қандай об-ҳаво шароитида кечаю-кунду ҳ қўриқлаб турибди. Осмон ҳужумидан мудофаа қўшинлари ихтиёрига бошқарилувчи ракеталар комплекслари, душман самолётларини ушлаб қоладиган қирувчи самолётлар, замонавий радиолокация техникаси бериб қўйилган.

Ҳарбий парадда жанговар ракета техникасининг айрим намуналари кўрсатилган.

Совет Армияси ва Ҳарбий — Денгиз Флоти Улуғ Октябрнинг 59 йиллигини жанговар ва сиёсий тайёргарликда янги муваффақиятлар билан кутиб олдилар. Жангчилар полигон ва танкодромларда, осмонга қилинган парвозлар ва океан сафарларида жанговар маҳоратни қунт билан кун сайин такомиллаштирмоқдалар. Халққа, жонажон Коммунистик партиянга чексиз садоқатли Совет Қуролли Кучлари доимо Октябрь ғалабаларига, Советлар мамлакатига посбон бўлиб туришибди.

Ҳарбий парад минг кишилик терма оркестрнинг тантанали юриши билан тугайди.

Мана, Қизил майдон тепасида байроқлар шафаги кўзга ташланади. Фанфаралар янграйди. Уларнинг байрамона даъватига тарихнинг ўзи жавоб бергандек бўлади. Тарихий сана — 1917 рақами байроқдорлар колоннаси узра ранг-баранг тусда товланади. Биринчи машинага В. И. Ленин портрети ўрнатилган. Октябрь революциясининг «Бутун ҳокимият — Советларга!» «Халқларга — тинчлик!», «Деҳқонларга — ер!» деган шиорлари ва Қизил байроқлар билан безатилган афсонавий «Аврора» крейсери ранг-баранг коридордан юриб ўтади.

Революцион қўшиқлар садолари остида байроқдорлар майдонни тўлдиришади. Қудратли «Ура!» садоси янграйди. «Яшасин жаҳон тарихининг янги даврини — дунёни революцион тарзда янгилаш, капитализмдан социализмга ўтиш даврини очган Улуғ Октябрь!» — деган оташин даъват одамлар қалбига ифтихор туйғусини бахш этади.

Турли либосдаги йигит ва қизларнинг колонналари майдонга кириб кела бошлайди. Анвойи сафлар узра транспарантлар кўтарилган. Москва, мамлакат ўз ишларини Ок-

(Давоми учинчи бетда).

ЖОНАЖОН ПАРТИЯ, ИШЛАРИМИЗ, ҚАЛБЛАРИМИЗ СЕНГА БАҒИШЛАНГАН!

(Боши биринчи бетда)

лайди. Қўмондон Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика Олий Совети Президиуми ва ҳукумати номидан ҳамда уларнинг топширигига биноан Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 59 йиллиги — умумхалқ байрами билан табриклайди ва муборакбод этади.

Мамлакатимиз бу йил Улуғ Октябрь байрамини, дейди қўмондон, партия XXV съезди, КПСС Марказий Комитети октябрь Пленуми тарихий қарорлари, ўртоқ Л. И. Брежневнинг ана шу Пленумда сўзлаган нутқидаги қоидалар ва хулосалар, СССР Олий Совети бешинчи сессияси материаллари шарофатидан сиёсий ва меҳнат ғайрати жўш урган бир вазиятда кутиб олмоқда.

Серқуёш Ўзбекистон ва Тошкент шаҳрининг меҳнаткашлари шонли Октябрнинг йиллигини барча совет кишилари сингари муносиб равишда нишонламоқдалар. Улар 1976 йилда янги меҳнат муваффақиятларига эришдилар. Шу йилнинг ўн ой ичида саноат ишлаб чиқариши ҳажми жиҳатидан берилган топшириқ муддатидан илгари бажарилди. Сифат кўрсаткичлари анча яхшиланди. Республика пахтакорлари Ватанга 5 миллион 300 минг тонна «оқ олтин» етказиб бериш учун ҳозирги қоқулай об-ҳаво шароитларида қаҳрамонона меҳнат қилмоқдалар. Ҳозиргача беш миллион тонна пахта топширилди. Фан ва маданият тез суръатлар билан ривожланмоқда. Республика меҳнаткашларининг фаровонлиги ўсмоқда.

Марксизм-ленинизм ва пролетар интернационализми принципларига асосланган ҳолда социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг ҳар томонлама ҳамкорлиги ва қардошларча ўзаро ёрдами янада ривож топди.

Партия Марказий Комитети, Совет ҳукумати, шахсан ўртоқ Л. И. Брежнев тинчликсеварлик ташқи сиёсат йўлини астойдил амалга ошириб келмоқдалар. Бу йўл ҳозирнинг ўзидаёқ халқаро кескинликнинг анча юмшашига сабаб бўлди. Шу билан бирга империалистик реакцион кучлар қуроллаиш пойгасини авж олдирмоқдалар, жаҳонни «совуқ уруш» даврига қайтаришга уринмоқдалар, кескинлик ўчоқларини вужудга келтирмоқдалар, ўз озодлиги ва мустақиллигини ҳимоя қилаётган халқларга қарши қурол ишлатишдан ҳам қайтмаётгилар.

Партия ва ҳукуматимиз ана шундай шароитларда ленинча тинчликсеварлик сиёсатини изчиллик билан амалга ошириб, мамлакатнинг мудофаа қобилиятини ошириш, унинг Қуролли Кучларини мустаҳкамлаш учун қўлдан келган ҳамма ишни қилмоқдалар.

Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округининг жангчилари Совет давлатининг жанубий чегараларини хушёрлик билан қўриқлаб турибдилар. Улар Октябрнинг йиллигини жанговар ва сиёсий тайёргарликда янги-янги муваффақиятлар билан кутиб олмоқдалар.

Ўз халқига чексиз содиқ, жонажон ленинчи партия тенграгида мустаҳкам жипслашган туркистончи жангчилар Ватаннинг бўйруғи билан унинг ҳимоясига отланишга, социализмнинг буюк ғалабаларини муносиб равишда ва шараф билан сақлаб қолишга ҳамиша шай турибдилар.

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 59 йиллиги, улуғ совет халқи ва унинг қаҳрамонона Қуролли Кучлари шарафига, ишчилар синфининг, бутун совет халқининг синалган авангарди — Совет Иттифоқи ленинчи Коммунистик партияси шарафига табрик сўзлари янграйди.

Майдон узра қудратли «ура!» садолари янграйди. СССР ва Ўзбекистон ССР гимнларининг садолари таралади, байрам салютининг залплари янграйди.

Ҳарбий парад иштирокчилари майдонга кириб келадилар, анъанага биноан парадни ёш барабанчилар бошлаб берадилар. Аниқ қадам ташлаб бораётган қўшинлар узра жанговар байроқлар ҳилпирайди. Ҳозирги жангчиларнинг оталари ва боболари Улуғ Ватан урушн фронтларида ана шу байроқларнинг остида душманларга қақшатгич зарбалар беришган. Кекса авлоднинг эстафетасини етмишинчи йилларнинг жангчилари бугун муносиб кўтариб бормоқдалар. Улар Улуғ Октябрнинг шонли йиллиги куни ўзларининг юксак даражада жанговар таълим олганликларини, тинчликни астойдил ҳимоя қилиб қолишга тайёр турганликларини намойиш қилиб кўрсатмоқдалар.

Майдон бир неча дақиқагина бўшаб қолади. Парадлар ҳиёбони томонидан байроқлар денгизининг оқими тўлқинланиб киради. Тошкент меҳнаткашларининг байрам юриши бошланади.

Спортчилар бормоқдалар. Уларнинг кўнгилли жамиятлари бу йил оммавий физкультурада, спорт маҳоратини такомиллаштиришда янги муваффақиятларга эришдилар. Бу ёшлик паради иштирокчиларининг сафлари узра ёркин панно ва транспарантлар кўзга ташланади. Бу панно ва транспарантларда Тошкентдаги барча меҳнат аҳлининг орзу-умид ва фикри-зикрини ифодаловчи сўзлар партия билан халқ бирлигини муттасил мустаҳкамлашга, КПСС XXV съезди ва Ўзбекистон Компартияси XIX съезди қарорларини шараф билан бажаришга, самарадорлик ва сифат беш йиллиги бўлган ўнинчи беш йиллик топшириқларини шараф билан бажаришга даъват этувчи сўзлар кўзга яққол ташланади.

Шаҳарнинг донгдор кишиларидан бир группасини минбардагилар қарсаклар билан кутиб оладилар. Бу донгдор кишилар узра Тошкентнинг шонли ғалабалар билан бурканган байроғи ҳилпираб турибди. Республика пойтахтининг ишчилар синфи билан зиёлилари ўнинчи беш йилликнинг биринчи йилида шонли зафарларнинг қаҳрамонона йилномасига янги сатрлар ёзди, қудратли совет Ватанини равнақ топтириш ишига қўшадиган ҳиссасини кўпайтирди. Пешқадамларнинг сафларида кўпдан-кўп ёшлар бор. Ленин комсомоли тарбиясини олган ёшлар Тошкент пролетариатининг революцион ва меҳнат анъаналарига садоқатлэрини барча ишлар билан тасдиқламоқдалар.

Тошкент саноатининг ишчилари мамлакатдаги илғор коллективлар билан бир сафда фан-техника тараққиётини тезлаштириш учун, ишлаб чиқаришнинг барча резервларидан самарали фойдаланиш учун астойдил курашмоқдалар. Мана унинг дастлабки натижалари: планга қўшимча равишда 70 миллион сўмлик маҳсулот етказиб берилди. Саноат ишлаб чиқаришнинг ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан саккиз процент ўсди, бу — план топшириқларидагидан анча кўп: ана шу ўсишнинг 87.5 процентига меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига эришилди. Олтмиштадан кўпроқ янги машиналар, замонавий кийим-кечаклар, пойафзаллар ва бошқа халқ истеъмол моллари нинглаб моделларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Корхоналарнинг цехларида ўн иккита автомат ва поток линиялар. 1600 та янг янги станок, шу жумладан берилган программа билан бошқариладиган юқори унумли агрегатлар ишга туширилди.

Байрам олди меҳнат вахтасининг ғолиблари майдонга ўз бурчларини адо этганликларидан фахрланиш туйғуси билан кириб келадилар. Улар минг-минглаб пешқадамлардир. Пешқадамлар қаторида В. П. Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг коллективи бор. Бу коллектив мамлакатнинг турдош корхоналари мусобақасида уч кварталдан буён сурункасига биринчиликни эгаллаб келмоқда. Бу катта ғалаба — ижодий изланиш, чинакам новаторлик самараси. Самолётсозлар республикада биринчилар қаторида маҳсулот сифатини бошқариш комплекс системасини жорий этишга киришдилар. Шаҳардаги қарийб 40 та корхона коллективи уларнинг изидан бормоқда.

Аъло даражада ишлаш рамзи бўлган фахрий беш бурчакли белги намойишчиларнинг колонналари узра кўзга ташланади. 1976 йилда Тошкент ишчиларининг 120 буюмига давлат Сифат белгиси берилди.

«Ташсельмаш» колоннаси жуда чиройли қилиб безатилган. Улар яратган минглаб «зангори кема»лар деҳқонларнинг содиқ ёрдамчилари бўлиб қолди, уларга совет пахтачилигини комплекс механизациялаш ишида олға катта қадам қўйиш имкониятини берди. Бу йил кузда етиштирилган ҳосилнинг ярмидан кўпрогини машиналарда териб олган дала гвардиячилари тошкентлик дўстларига: «Катта раҳмат!» дейишди. «Ташсельмаш»чилар, байрам намойишига СССР Трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги министрлигининг ҳамда машинасозлик ишчилари касаба союзи Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғини кўтариб чиқдилар. Улар ана шу тармоқ Бутуниттифоқ мусобақасида сурункасига ғиғирма марта ғолиб чиқдилар.

Ҳар бир районнинг колоннасида қурувчиларни кўриш мумкин. Улар байрам арафасида қарийб минг оқлага янги квартираларнинг калитларини топширишди. Мана, каттакон «М» ҳарфи кўзга ташланади. Октябрнинг 60 йиллиги кунига қадар ер ости магистралини очамиз, деб сўз берган метро қурувчилар ўтишмоқда. Байрам арафасида шодиёна хабар келди: Тошкент метрополитени қурувчилари Бутуниттифоқ мусобақасининг пешқадамлари бўлишди.

Намойишчиларнинг колоннаси ранг-баранг байрам либосига бурканиб ўтишмоқда. Қирмизи байроқлар фонида оппоқ пахта чаноғи яққол кўзга ташланиб турибди. Тошкентликларнинг барча ишлари 5 миллион 300 минг тонна «оқ олтин»ни йиғиштириб олишга муносиб ҳисса қўшишга қаратилгандир, уларнинг фикри-зикри пахтада. Пахта терадиган машиналарнинг ижодкорлари билан биргаликда бу ҳақда шаҳардаги бошқа корхоналарнинг коллективлари, илмий ва лойиҳалаш муассасаларининг ходимлари, маданият арбоблари, Ўроқ билан Болға иттифоқини тобора мустаҳкамлаб бораётган кишилар плакатлар ва транспарантлар тили билан ҳикоя қиладилар. Шаҳарликлар пахта йиғим-теримида иштирок этганликларини ҳам байрам кунида изҳор этдилар: Тошкент, Сирдарё ва Жиззах областларининг далаларида тошкентликларнинг вакиллари ҳозироқ олтмиш минг тоннага яқин пахта териб бердилар.

«Бизнинг беш йиллигимиз халқлар дўстлигининг иқтисодий тилда ифода этиладиган ленинча сиёсатидир». — КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг ана шу сўзлари транспарантларга катта-катта ҳарфлар билан ёзилган. Намойишнинг ўзи ана шу сўзлар ҳақлигининг яққол далили бўлиб турибди. Тракторсозлар меҳнат зафарлари тўғрисидаги рапортларни кўтариб ўтишмоқда. Уларга Россия Федерациясидаги ва бошқа қардош республикалардаги ҳамкасблари қардош корхонани ривожлантиришда катта ёрдам бермоқдалар. Ивановолик тўқувчилар билан мусобақада мадад олаётган тўқимачилар боришмоқда: ирригаторлар ва мелиораторлар ўтишмоқда, ноқоратупроқ зонадаги ерларни ўзлаштиришда ҳозир уларнинг бой тажрибасидан муваффақиятли фойдаланилмоқда.

Ўзбекистоннинг экономикаси ва маданиятини, совет халқларининг бутун аҳил оиласини гуллатиб-яшнатиш тўғрисида ҳормай-толмай ғамхўрлик қилаётган партияга Тошкент меҳнаткашлари қизғин ва самимий миннатдорчилик изҳор этмоқдалар.

Байрам намойиши иштирокчиларининг чеҳрасида шодлик барқ уриб турибди. Улар меҳнат аҳлига бахт-саодатнинг порлоқ йўлини очиб берган Совет ҳокимияти барпо этилган кунни нишонлар экан, совет кишиларининг фаровонлигини тўхтовсиз ўстираётганлиги учун, тинчлик ва халқлар дўстлигини мустаҳкамлаётганлиги учун партия билан ҳукуматга, шахсан Леонид Ильич Брежневга самимий миннатдорчиликларини изҳор этадилар.

Намойиш тугади. Тугади-ю, лекин тантаналар давом этмоқда. Хонадонларда, маданият уйларида, ишчи клубларида тантаналар давом этди. Шаҳар оқшомда мушакбозлик чироқларидан нурафшон бўлди.

Э. ТУХВАТУЛЛИНА,
Г. ЛИПШИЦ,
Ўзбекистон Информация агентлигининг мухбирлари.

ТОШКЕНТ. 1976 йил, 7 ноябрь. Меҳнаткашларнинг байрам намойишлари.

А. Тўраев фотолари.

ОКТЯБРЬ ШАРАФИГА ТАНТАНАЛИ САЛЮТ

Ўзбекистон диёрига Октябрь байрами қирмизи либосда келди. Республика шаҳарлари ва қишлоқларининг аҳолиси байрамни зарбдор ишлар билан кутиб олди. Республика шаҳарлари ва қишлоқларининг аҳолиси ўзининг бутун меҳнатини КПСС XXV съезди, партия Марказий Комитети октябрь Пленуми, СССР Олий Советининг бешинчи сессияси ўртага қўйган улуғвор режаларни бажаришга бағишламоқда.

Республика меҳнат аҳли умумхалқ байрами кунида Улуғ Ленин ғояларига ўзининг чексиз содиқлигини яна бир марта изҳор этди, Коммунистик партиянинг доно ички ва ташқи сиёсатини қизғин маъқуллаб, халқ бахт-саодати, бутун дунёда мустаҳкам тинчлик тўғрисида хормай-толмай ғамхўрлик қилаётганликлари учун партия Марказий Комитетига, Марказий Комитет Сиёсий бюросига, шахсан Леонид Ильич Брежневга самимий ташаккурини изҳор этди.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИнинг меҳнаткашлари Улуғ Октябрнинг 59 йиллигини зўр шавқ-завқ билан нишонладилар. Давлатга пахта сотиш планини Ўзбекистонда биринчи бўлиб бажарио, мажбурият ҳисобига «оқ олтин» тошираётган пойтахт областининг пахтакорлари байрамни янги меҳнат муваффақиятлари билан кутиб олдилар.

Областнинг шаҳар ва районларида кўп кишилик намойишлар бўлиб ўтди. Чирчиқ меҳнаткашлари планга қўшимча равишда қарийб 7 миллион сўмдик маҳсулот етказиб бериш билан байрамни нишонладилар. Йиллик мажбуриятлари ҳисобига кўпдан-кўп минерал ўғит, химиявий ускуналар ва бошқа маҳсулотлар етказиб берган «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмасининг, «Ўзбекхиммаш», қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинатининг коллективлари колонналарнинг олдиги сафларида боришди.

Бекобод, Олмалиқ металлургларн, Ангрен кончилари, Янгийўл озиқ-овқат корхоналарининг ишчилари Октябрнинг йиллиги кунида жонажон партиянинг доно ички ва ташқи сиёсатини қизғин маъқуллаганликларини, ўнинчи беш йиллик топшириқларини шараф билан бажаришга тайёр турганликларини изҳор этдилар.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССР пойтахти Нукус меҳнаткашлари байрам намойишига яхши кайфият билан чиқдилар.

«СССР 50 йиллиги» ва «Ўзсельхозтехника» ремонт заводларининг, 16-авторемонт заводининг ишчилари байрам колонналарида ўтишди. Улар пахтакорлар билан шоликорларнинг кўпгина бўюртмаларини муддатидан илгари бажариб, ҳосилни йиғиштириб олишда самарали ёрдам бердилар.

Нукусда осмонўпар бинолар қад кўтармоқда. «Ташкентстрой»га қарашли хўжалик ҳисобида ишлайдиган участкаснинг панноси шундан далолат берарди. Биринчи кўп қаватли уй-жой пойтахтда яқиндагина фойдаланишга топширилди. Бу баланд бино тошкентликларнинг қардошлик ёрдами билан барпо этилмоқда. унинг ёнида яна иккита тўққиз қаватли шинам бино қад кўтармоқда.

«Қарақалпақистон совхозстрой» территориал бошқармаси ходимларининг колонласи ҳам байрам намойишида бормоқда. Бу бошқармаларнинг бўлимларида КПСС XXV съезди қарорларига бинноан Амударё этакларида мамлакатда энг катта шоликорлик базасини вужудга келтирмоқда. Шоликорлар ҳозир ўнинчи беш йиллигининг биринчи йилида етиштирилган мўл ҳосилни тезроқ йиғиштириб олиш учун фидокорона қурашмоқдалар.

Шаҳар корхоналарининг мусобақасида биринчиликни эгаллаган ремонт-механика заводининг коллективи **АНДИЖОН**да намойишни очиб бериш фахрий ҳуқуқига мушарраф бўлди. Мазкур корхона коллективининг сафларида елкалари га «1977» деб ёзилган қизил лентаси боғлаб олган ишчилар ўтишди. Бу — улар беш йиллигининг иккинчи йили ҳисобига меҳнат қилаётганликларининг белгиси. «Электроаппарат», машинасозлик, «Андижанирмаш», «Коммунар», «Мехашка», «Электродвигатель» заводларининг коллективлари мусобақада эришган муваффақиятларини плакатлар орқали маълум қилишган.

«Обкомхозстрой» қурувчилари майдонда ўтишди. Улар Октябрь тантаналари арафасида хушхабар олишди. Трестга ўнинчи квартал якунларига биноан СССР Қишлоқ қурилиши министрлиги ва тармоқ касаба союз Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи берилди. «Андижанирстрой» трестининг коллективи қурилиш-монтаж ишлари йиллик плани бажарилганлиги тўғрисидаги рапорти билан намойишга чиқди.

Андижон меҳнаткашлари область пахтакорларига йиғим-теримн ишларини тезроқ тамомлаш, олинган социалистик мажбуриятларни бажаришда муваффақият тиладилар.

Кўҳна **САМАРҚАНД** ёрқин байрам либосига бурканган. Октябрнинг қирмизи байроғи бундан 59 йил аввал ҳилпирагандек кўҳна Регистон узра ҳилпираб турибди. Пролетариатнинг буюк устози В. И. Ленин номи билан аталган шаҳарнинг марказий майдони бўйлаб, Ильич ҳайкали олдидан қадимий шаҳар меҳнаткашлари учта колоннада ўтишди. Боғишамол, Темирйўл ва Сиёб районларининг вакилларидан иборат намойишчиларнинг сафларида партия ветеранлари, Октябрь жангларининг, Улуғ Ватан уруши жангларининг иштирокчилари, дастлабки беш йилликларнинг қаҳрамонлари пешқадамлик қилдилар.

«32 миллион» рақами олтиндек ярқираб кўзга ташланади. Область саноати ўнинчи беш йилликнинг биринчи йили бошидан бери шунча сўмлик қўшимча маҳсулот етказиб берди. «КПСС XXV съезди қарорларини бажарамиз». Октябрь олди зарбдор меҳнат вахтасининг бу шиори юзлаб транспарантларда тақрорланган. Самарқандликлар ўнинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш учун курашда эришган муваффақиятларни қўлайтиришга тайёр турганликларини байрам куни яна бир карра таъкидладилар.

Ўзбекистоннинг энг жанубида область меҳнаткашлари учун бу йил Октябрь байрами қувончли қўшалоқ байрам бўлди: **СУРХОНДАРЁ** пахтакорлари пахта тайёрлаш йиллик планини муддатидан илгари бажарганликлари тўғрисида Улуғ Октябрнинг 59 йиллиги арафасида рапорт бердилар. Ватан улардан 450 минг тонна «оқ олтин» олди. Ана шу пахтанинг қарийб учдан бир қисми қимматли ингичка толали пахтадир. Бу ғалабага колхозчиларнинг, совхоз ишчиларнинг, шунингдек уларнинг содиқ дўстлари — шаҳарликларнинг фидокорона меҳнати туфайли эришилди. Шунинг учун ҳам Термез қўчаларидан байрам колонналарида ўтган намойишчиларнинг кўлларида қирмизи байроқлар ва транспарантларнинг ёнида оппоқ пахта чаноқлари яқираб турарди.

Саноат, қурилиш, транспорт ходимлари ҳам КПСС XXV съезди қарорларини бажара бориб, катта меҳнат муваффақиятларига эришдилар. Термез пахта тозалаш заводи планга қўшимча равишда маҳсулот реализация қилиш юзасидан йиллик мажбуриятнни муддатидан илгари бажарди. Термез портчилари ўн ойлик топшириққа қўшимча равишда мингдаб тонна юк ташиб бердилар. Намойишчиларнинг сафларида пешқадам бинокорлар, автомобилчилар ўтишди. Уларнинг кўлари ўнинчи беш йиллик планнни икки баравар ортиғи билан бажариш мажбуриятини олиб, ҳозир иккинчи йил топширигини бажариб қўяй дедилар.

ФАРҒОНАда граждалар уруши ва Улуг Ватан уруши ветеранлари расм бўлиб қолган анъанага биноан Фарғона водийсида Совет ҳокимиятини ўрнатиш учун курашда қурбон бўлган қизил гвардиячиларнинг ҳайкалларига гулчамбарлар қўйишди.

Шаҳарнинг ишчилар синфи КПСС Марказий Комитети октябрь Пленуми қарорларига амалий иш билан жавоб қайтариб, байрамни меҳнат зафарлари билан кутиб олдилар. «Газоаппарат» заводи коллективи йил бошидан буён топшириққа қўшимча равишда 170 минг сўмлик газ плитаси тайёрлаб берди. Пахта тозалаш заводининг ишчилари планга қўшимча равишда ув миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқардилар. Пойафзалчилар, қурувчилар, бошқа коллективлар байрам олди вахтасида муваффақиятларга эришдилар. Фарғоналиклардан қарийб 160 киши Улуғ Октябрнинг йиллигини ўнинчи беш йиллик биринчи йили топшириқларини муддатидан илгари бажариш билан кутиб олди. Буларнинг орасида КПСС XXV съезднинг делегатлари, тўқимачилик комбинатининг йигирувчиси Ш. Мирзабобоева, фуран бирикмалари химия заводининг бош пайвандчиси У. Ғиёсов бор.

НАМАНГАНда байрам намойишининг иштирокчилари барча иттифоқдош республикаларнинг байроқларини кўтариб ўтдилар. Шаҳар меҳнаткашлари партиянинг ленинча миллий сиёсатни амалга ошираётганлиги тўғрисида, барча меҳнат коллективлари учун куч-қувват манбаи бўлиб қолган совет халқларининг қудратли дўстлиги тўғрисида ҳикоя қилувчи плакатларни ва

(Давоми тўртинчи бетда).

ОКТЯБРНИНГ ҒОЛИБОНА ОДИМИ БИЛАН КОММУНИЗМ САРИ!

(Боши 1, 2-бетларда).

тябрь билан, КПСС XXV съездининг программавий қарорлари билан қиёс қилади. Намойиш қатнашчилари: Улуғ Ленинга шон-шарафлар! Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига шон-шарафлар! Қаҳрамон совет халқига шон-шарафлар! —деб қайта-қайта такрорлайдилар.

Улкан панно — Совет Иттифоқи Коммунистик партияси асосчиси, дунёда биринчи социалистик давлат бунёдкори В. И. Ленин портрети тантанали музика садолари остида Мавзолей олдидан олиб ўтилади. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоларининг портретлари ўрнатилган машиналар кириб келади. Совет жамиятининг бузилмас бирлиги, ленинчи коммунистик партия теварагидагн жипслиги тўғрисидаги транспарантлар бутун майдонни эилаб ўтади. Колоннаклар СССР халқларининг қардошларча дўстлигини, Совет Социалистик демократиясини шарафлайдиган шиорларни кўтариб олганлар.

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг Олмаотадаги кенгашда нутқ сўзлаб турган пайти тасвирланган панно майдон марказига яқинлашиб келади. Унга «XXV съезднинг революцион ижодий руҳи, ғоялари партиямизнинг, халқимизнинг қундалик ишларида яшамоқда» деган сўзлар ёзилган. Намойиш қатнашчилари «Партия белгилаган ҳамма режаларни бажарамиз!» деган сўзлар ёзилган алвонни баланд кўтариб, шу сўзларни тасдиқлагандек бўладилар, КПСС Марказий Комитети 1976 йил октябрь Пленуми қарорларини қизғин маъқуллашларини изҳор этадилар. Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига, совет халқининг меҳнатдаги муваффақиятларига бағишланган бадиий стендлар ўрнатилган машиналар юриб ўтади.

Пойтахт Октябрга рапорт беради. «Намунали корхоналар, ташкилотлар, микрорайонларда — намунали коммунистик шаҳарга ўтиш — москваликлар шиори!» деган сўзларни чиройли шчитда ўқиймиз. Байрам статистикаси диққатга сазовордир: Москва саноати 3.500 дан ортиқ турдаги маҳсулотни давлат Сифат белгиси қўйиб чиқармоқда, ўн ой ичида 3,4 миллион квадрат метрдан ортиқ уй-жой фойдаланиш учун топширилди.

Меҳнат қўшиқлари куйларини динамиклар кучайтириб беради. Колонналар қайта тузилган, каттакон «Б» рақами пайдо бўлади. Алвонлардан «Беш йилликни муваффақиятли бажарамиз» деган сўзлар ҳосил қилинади.

Студентларнинг энг яхши қурилиш отрядлари майдонга кириб келадилар. Бу йил КПСС XXV съезди номидаги Бутуниттифоқ студентлар қурилиш отряди бир миллиард сўмдан кўпроқ капитал маблағ ўзлаштирди. Транспарантга ёзилган «Ишларнинг зарбдор меҳнати, маҳорати ва изланиши — ўнинчи беш йилликкга!» деган сўзлар ёшларнинг совет халқи шоили анъаналарига садоқат қасами бўлиб янгради. ДОСААФ бўлинмалари бир текис сафф тортиб ўтадилар. Жамият байроқлари, барча қўшин турларининг байроқлари шамолда ҳилпирайди. Сафлар орасида ёшлик ва ғўзалликнинг бошқа марши бошланади — спортчилар ўта бошлайдилар. Ёшлар қўшиқ оҳангига жўр бўлиб, «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!» деган сўзларни такрорлайдилар. Қисқа-қисқа физкультура машқлари кўрсатилиб, сафлар қайта тузилгач, бутун майдонда армия юлдузи тасвири пайдо бўлади.

Бадиий панноларда, намойиш қатнашчиларининг қўлларида: «Халқаро ишчилар синфининг буюк тарихий ғалабаси, антиимпериалистик курашнинг ҳал қилувчи кучи, тинчлик, демократия ва социал тараққиёт таянчи — жаҳон социализм системаси ривожланиб, мустаҳкамлана берсин!», «Бутун дунё коммунистларининг марксизм-ленинизм, пролетар интернационализми мустаҳкам негизидаги бирлиги ва жипслиги кучаяберсин», «Барча антиимпериалистик кучларнинг бирлиги учун» деган шиорлар кўзга ташланади.

Дунёда биринчи социалистик давлатнинг биринчи қонуни Ленининг сулҳ тўғрисидаги Декрети бўлганлиги билан совет кишилари фахрланадилар. Ҳаммма йиллар давомида Улуг Октябрь ватани ер куррасида тинчлик ишининг тантаси учун изчиллик билан муттасил курашиб келди ва курашмоқда. Бугунги Октябрь маршида ҳам шу нарса ўзининг яққол ифодасини топди. Кўтариб кириб келинган катта бир композицияда СССРда янги Стокгольм хитобномасига имзо тўплаш якунлари, СССРнинг Умумевропа кенгаши Якуниовчи акти аҳдномаларини бажариш йўлидаги изчил кураши, мамлакатимизнинг ташқи сиёсат соҳасидаги катта-катта ташаббуслари ҳужжатлари акс эттирилган.

Октябрь мамлакатининг тинчликсевар сиёсати ҳозирги босқичда тинчлик ва халқаро ҳамкорлик учун, халқларнинг озодлиги ва мустақиллиги учун бундан буёнги курашнинг КПСС XXV съезди қабул қилган программасида ўзининг изчил ифодасини топди.

Намойиш қатнашчилари Мавзолей рўпарасида тўхтаб, «Яшасин Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг тинчликсевар ташқи сиёсати деб хитоб қиладилар.

Майдонда «Тинчлик» сўзи ҳосил қилинади. Гуллар оилан безалган, байроқлар билан ўралган бу сўз бу ердан бутун мамлакатга, бутун ер юзига кўринади.

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг Лихачев номли автозавод ишчилари билан учрашуви тасвирланган катта фотосурат ўрнатилган машина Қизил майдон ўртасига келиб тўхтайди. Ўша учрашувда Леонид Ильич айтган: «Ҳамма режаларимиз, партиямизнинг бутун сиёсати-Совет халқи учун энг яхши ҳаёт барпо этишдан иборат бош мақсади кўзлайди», деган сўзлар катта ҳарфлар билан ёзилган.

КПСС ленинчи Марказий Комитети шарафига, коммунизм бинокори — Совет халқи шарафига хитоб сўзлари янграйди. Худди шу дақиқаларда жуда катта «Тинчлик» сўзи яшнаб турган майдондан болалар Мавзолей томон югурадилар. Улар Марказий минбарга чиқиб, партия ва ҳукумат раҳбарларига гуллар ҳамда байрам қизил ленталарини топширадилар.

«Ура!» садолари, қарсаклар янграйди.

Байрам намойиши бошланади. Қизил майдонга қирмизи байроқлар кўтарган кишилар кириб келди. Бамисоли кўкка бир байроқ —Улуг Октябрь ғалабаси байроғи кўтарилгандек бўлади. Бу байроқни совет кишилари ёнгинлар орқали, дастлабки беш йилликнинг қийинчиликлари ва уруш алангалари орқали шараф билан олиб ўтдилар. Бу байроқ кўрқини ўзлаштирган, Сибирнинг азим дарёларини бўйсундирган, космоса йўл солган кишилар билан бирга бўлди. Коммунизм бунёдкорларининг ёш авлоди ғалаба байроғини боболари ва оталари қўлидан қабул қилиб олиб, революция вужудга келтирган анъаналарни мукаддас билиб сақламоқда ва кўпайтирмоқда.

Қаҳрамон шаҳар мукофотлари тақилган Москва байроғи олдинги сафда бормоқда. Пойтахт саноати маҳсулотни реализация қилиш ҳажми ва энг муҳим буюмлардан кўпчилигини ишлаб чиқариш юзасидан ўн ойлик топшириқни муваффақиятли бажарди. Мамлакат халқ хўжалиги пландан ташқари бир неча миллион сўмлик ҳар хил маҳсулот олди. Намойишчиларнинг транспарантларида ва шиорларида Улуг Октябрнинг 59 йиллиги шарафига қўлга киритилган меҳнат ғалабаларининг байрам рапортлари ёзилган.

Москва саноатининг улкан корхонаси бўлган И. А. Лихачев номли автомобиль заводининг коллективи ўтиб бормоқда. Бу ерга ишлаб чиқариш пешқадами ва новаторларидан, октябрлоди социалистик мусобақаси ғолибларидан тўрт минг киши корхонанинг шонли коллективидан вакил бўлиб келган. Бу коллективнинг уруш ва тинчлик йилларида кўрсатган меҳнат жасоратлари Ленин ордени, Октябрь Революцияси ордени, Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан тақдирланди. Зилчилар катта авлоднинг шонли анъаналарини давом эттириб, партия томонидан қўйилган вазифаларни муваффақиятли равишда ҳал қилмоқдалар. Зилчилар ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш учун мусобақани кенг авж олдириб, Октябрь байрамигача пландан ташқари мингтадан кўпроқ юк автомашинаси, қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун бир неча минг сўмлик запас қисмлар, беш юздан ортиқ холодильник ишлаб чиқардилар. Шу йилнинг ўзида ЗИЛ мамлакат йўлларига жами қарийб икки юз мингта автомобиль жўнатади.

СССР 50 йиллиги номли автомат линиялар заводининг станоксозлари байрамга яхши кайфият билан чиқишди. Улар қилган ишлари билан фахрлана оладилар.

— Ишчилардан 250 киши шахсий йиллик топшириқларини муддатидан илгари 7 ноябргача бажарди, деб хикоя қилади созловчи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ф. А. Беспалов. — Планга қўшимча равишда уч юз минг сўмлик маҳсулот реализация қилинди. Энди корхона конвейерида нуқул энг янги усуналар: ноёб автомат линиялар ва рақамли программа билан бошқариладиган станоклар бор. Шу беш йилликдаги бизнинг мақсадимиз давлат Сифат белгиси билан аттестация қилинган маҳсулот тайёрлаш даражасини 50 процентгача кўтаришдир.

«Серп и Молот» заводи металлургларнинг байрам колоннаси узра ҳилпираган қизил байроқчалар мартен печларида ловиллаб ёнаётган ёркин алангани эслатади. Бу завод маҳсулотини олмаётган корхонани мамлакатимизда топиб бўлмаса керак. Завод меҳнатчилари партиянинг мамлакатга кўпроқ металл етказиб бериш ҳақидаги даъватига иш билан жавоб қайтармоқдалар. Корхона коллективи йил бошидан буён топшириққа қўшимча равишда олти минг тоннадан кўпроқ пўлат ва олти минг тонна тайёр прокат ишлаб чиқарди.

Москва ўй-жой —граждан қурилиши ҳажми жиҳатидан жаҳонда биринчи ўринга чиқди. Қурувчи касби —шаҳардаги энг фахрли касблардан биридир. Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари А. А. Громов, В. А. Затворницкий, Н. А. Злобин, М. А. Лазарев, Н. М. Сергачев, И. И. Тулдков ва уларнинг ўртоқларининг номларини ким билмайди дейсиз! Уларнинг қўлари бугун намойишчиларнинг колонналарида бормоқдалар.

Москванинг қурилиш конвейери аниқ-пухта ишламоқда. Бинокорлар илғор технологияни ва ишнинг тезкор усулларини эгаллаб олдилар.

Бутуниттифоқ комсомол зарбдор қурилиши бўлган Москва метро қурилишининг қатнашчилари Қизил майдонга кириб келадилар. Давлат Сифат белгиси шаклидаги транспарантда икки рақам— «20» ва «34» рақамлари кўзга яққол ташланади. Шу беш йиллик мобайнида ишгирмата янги станция ва Рига, Калинин, Серпухов радиусларида ўттиз тўрт километр ер ости йўлини ишга туширишга қарор қилинди. Метросозлар ҳар бир объектни фақат энг юқори баҳо билан топшириш мажбуриятини олдилар.

Николай Лесик бошлиқ комсомол-ёшлар бригадаси коллективининг кайфияти бугун айниқса байрамона. Бу коллектив Октябрь байрами арафасида «Медведково» янги станциясини қуриб битказди.

«Матрёшка» хороводи Қизил майдонга ранг-баранг ёркин чит либосларда кириб келадилар. Булар донг чиқарган «Трехгорка» комбинатининг коллективи эканини дарҳол билиб оламиз. Улардан кўпларининг кўкрагида комбинат газламасидан тайёрланган қирмизи бантлар ва революцион Красная Пресня значоклари бор. Ҳозир комбинатда қарийб икки минг киши ишлаб чиқариш графигидан ўзиб меҳнат қилмоқда. Коллектив пландан ташқари бир миллион метрдан кўпроқ тайёр газлама чиқарди.

Владимир Ильич номли завод меҳнатчилари Қизил майдонга давлат Сифат белгиси тасвирланган ва «Сифат беш йиллигига —ишчи кафолати!» сўзлари ёзилган транспарант кўтариб кириб келадилар. Учта турдош бригада бошлиқлари —коммунистлар Н. В.Метелкин, И. Г. Амосов ва Н. П. Кузнецов ташаббуси билан бошланган ҳаракат бутун мамлакатда кенг ёйилди.

— КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС XXV съездида қилган докладида самарадорлик ва сифатни ошириш —эндиликда энг муҳим нарса эканлигини таъкидлаб ўтди, —деди шу корхона ишчиси Н. В. Метелкин.—Биз бу гапни қуйидагича тушунамиз: ўз ишимизни яхши бажарибгина қолмай, балки ўртоқларинг иши учун ҳам қайғуришинг керак. Чунки ўнинчи беш йиллиқнинг самарадорлик ва сифат беш йиллигига айланиши ҳар бир кишининг ва ҳамманинг биргаликда қилган ишига боғлиқ. Аввало биз, коммунистларнинг ишига боғлиқ.

Владимир Ильич номли завод бригадаларининг ғояси турли касбдаги минг-минглаб ишчилар учун самарали бўлди. Пойтахтдаги кўпчилик корхоналарнинг коллективлари бу ғояни ўзлари учун қабул қилдилар. Шу боисдан ҳам байрам транспарантларида «Муддатдан илгари!» сўзи бошқа сўзлардан кўра тез-тез кўзга ташланиб туради.

Қизил майдондагилар қишлоқ меҳнатчиларини, далалар ва фермаларнинг қаҳрамонларини олқишлайдилар. Тимирязев ўрмон хўжалиги ишчиларининг сафлари узра «Ламлакат галлакорларига —шон-шарафлар!» деган шиор порлаб турибди. Бу йил рекорд миқдорда ғалла йиғиштириб олинганлиги ҳақидаги хабарни барча совет кишилари зўр ҳурсандчилик билан кутиб олдилар. КПСС Марказий Комитети Пленумининг мўътабар минбаридан мўл ғалла ҳосилини етиштирганларга самимий раҳмат сўзлари янгради.

Ўртоқ Л. И. Брежнев партия Марказий Комитети Пленумида сўзлаган нутқида бундай деди: «Беш йиллиқнинг бошланишини ажойиб муваффақиятлар билан нишонлаган қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари мақтовга ғоят сазовордирлар».

Москвадаги К. А. Тимирязев номли қишлоқ хўжалик академиясининг намойишчилари галлакорларнинг ташвишлари ва ишларига даҳлдор эканликларини анъанавий рамз— олтин бошоқлар билан изҳор этмоқдалар. Майдон бамисоли экинли пишиб етилган галлазорга айланади: тимирязевчиларнинг қўлларида улкан бошоқлар бор эди. Намойишчиларнинг қаторлари узра беш йиллиқнинг ҳосилини бундан буён кўпайтиришни акс эттирувчи «Ўртача йиллик ғалла ялпи ҳосилини 35-40 миллион тонна кўпайтирамиз», деган сўзлар ёзилган улкан ғалла боғлами пайдо бўлади. Галлазорлардан кейин пахтазор бошланади. Бу ерда «Мамлакат пахтакорларига — шон шарафлар!» сўзлари кўзга ташланади. «Фан ва техника ютуқларини қишлоқ хўжалигига жорий этишни таъминлаймиз!» деган чиройли шиор академия коллективи томонидан бурч сифатида, мажбурият сифатида қабул қилинади.

— Леонид Ильич Брежневнинг ҳозирги босқичда қишлоқ хўжалигини янада юксалтириш проблемаси — бу, аввало, қишлоқ хўжалигининг самарадорлигини ошириш проблемасидир, деган сўзлари биз учун наказ бўлиб, амалий иш программаси бўлиб хизмат қилади, —деди «Тимирязевка»нинг биринчи проректори М. И. Синюков. — Академия коллективи ишлаб чиқариш билан алоқани мустаҳкамламоқда, қишлоқ учун мутахассислар тайёрлашни такомиллаштирмоқда. Россиянинг ноқоратупроқ зонаси — бизнинг жанговар участкамизидир. Академия ана шу ўзгартиралаётган ўлка учун беш йиллик мобайнида уч ярим мингдан кўпроқ агроном, зоотехник, экономист ва бошқа касбдаги мутахассислар тайёрлаб беради. 1977 йилда олий ўқув юртини битириб чиқувчи ҳамма ёшлар —салкам 600 киши ноқоратупроқ зонадаги хўжаликларга боғриб ишлаш ниятидадир.

Октябрнинг 59 йиллиги ижодий фикрнинг тантана қилиши билан диққатга сазовордир. Илм-фан ишлаб чиқаришга тобора кенг ва чуқур кириб бормоқда, бевосита ишлаб чиқарувчи кучга айланмоқда. Буни эса бугунги кунда Қизил майдон яққол акс эттирмоқда. Ленинград районининг колоннасида пойтахтдаги энг йирик илмий муассасалардан бири бўлган бутуниттифоқ «Гидропроект» институтининг мутахассислари бормоқда. Бу ерда яратилган лойиҳалар бутун мамлакатда рўёбга чиқарилмоқда — Братск ва Усть-Илимскда, Саянда, Бугунани ва Красноярскда энергетиканинг улкан нурхоналари қад кўтармоқда. Институт колоннасида шодлик ўқим сурмоқда: инженерлар ва техниклар бирбирларини табриклаб, ўз тассуротлари ҳақида гапириб бермоқда. Уларнинг кўплари яқиндагина командировкалардан пойтахтга қайтиб келдилар. Қуруввчи А. М. Михеев Енисей — Ангара каскадидан, гидротехник М. В. Калганова Вьетнамдан қайтиб келди. Вьетнамда Совет Иттифоқи тайёрлаган лойиҳа асосида Да дарёсида Хао-Бинь гидроузели барпо этилмоқда.

Прогрессив техникавий ечимлар, ихтирочилик ва рационализаторлик таклифларини жорий этиш ҳисобига барча йирик лойиҳалар бўйича кўплаб маблағ тежаб қолдиларнлигини билиб олдик.

Свердлов райони колоннасида таниш чеҳралар — артистлар, созандалар, рассомлар кам эмас эди. «Санъатимиз ҳаҳрамони — меҳнаткашнисон», сўзлари транспарантдагина акс эттирилаётгани йўқ. Бу сўзлар ҳозирги вақтда яратилаётган китобларда, пьесаларда, кинофильмларда, завод ва фабрикаларнинг цехларида, дала шийпонларида яратилаётган суратларда ва эскизларда тасвирланмоқда.

Москва меҳнаткашлари намояндаларининг намойишини байроқдорлар тугаллайди.

Улуг Октябрнинг 59 йиллиги байрами партия билан совет халқи бирлигининг ёрқин ифодасига, Советлар мамлакати кишиларининг Коммунистик партия юксак идеаллларига садоқатининг, КПСС XXV съезди қарорларини муваффақиятли бажаришга — коммунизм қурилиши йўлида янги қадам қўйишга қатъий бел боғлаганликларининг ифодасига айланди.

ТАСС мухбирлари В. Козлов, О. Московский, В. Серов, Д. Смирнов, Е. Хорева Қизил майдондан ушбу репортажни олиб боришди.

СОВЕТ ЭЛЧИХОНАЛАРИДА ҚАБУЛ МАРОСИМЛАРИ

Улуг Октябрь социалистик революциясининг 59 йиллиги муносабати билан СССРнинг чет мамлакатлардаги элчихоналарида қабул маросимлари ўтказилди.

Қабул маросимларида:

Берлинда — ГБСП Марказий Комитетининг Бош секретари, ГДР Давлат кенгашининг Раиси Э. Хонеккер, ГДР Министрлар Советининг Раиси В. Штоф, ГДР Халқ палатасининг Раиси Х. Зиндерман;

Будапештда — ВСИП Марказий Комитетининг Биринчи секретари Я. Кадар, ВХР Президиумининг Раиси П. Лошонци, ВХР Министрлар Советининг Раиси Д. Лазар;

Варшавада — ПБИП Марказий Комитетининг Биринчи секретари Э. Герек, ПХР Давлат кенгашининг Раиси Г. Яблоньский, ПХР Министрлар Советининг Раиси П. Ярошевич;

Прагада — ЧКП Марказий Комитетининг Бош секретари, ЧССР Президенти Г. Гусак, ЧССР ҳукуматининг Раиси Л. Штроугал;

Софияда — БКП Марказий Комитетининг Биринчи секретари, БХР Давлат кенгашининг Раиси Т. Живков, БХР Министрлар Советининг Раиси С. Тодоров;

Улан-Баторда—МХРП Марказий Комитетининг Биринчи секретари, МХР Буюк Халқ Хурали Президиумининг Раиси Ю. Цеденбал, МХР Министрлар Советининг Раиси Ж. Батмунх;

Гаванада — Куба Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари, Революцион ҳукумат Бош министрининг биринчи ўринбосари ва революцион қуролли кучлар министри Рауль Кастро, Куба Компартияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Куба республикасининг Президенти Освальдо Дортикос;

Ханойда — ВМП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ВСР ҳукуматининг Бош министри Фам Ван Донг, Сиёсий бюро аъзолари, Бош министр ўринбосарлари Нгуен Зуй Чинь ва Ле Тхань Нги;

Бухарестда — РКП Марказий Комитети Сиёсий ижроия комитетининг аъзолари И. Бердец, Ш. Войтек, Г. Опря, И. Углар;

Белградда — ЮКС Марказий Комитети Президиуми ижроия комитетининг секретарлари А. Гличков ва В. Срзентич, ЮКС Марказий Комитети Президиуми ижроия комитетининг аъзоси Д. Ставрев;

Парижда — Бош министр Р. Барр, Миллат мажлисининг Раиси Э. Фор, ташқи ишлар министри Л. Де-Гиренго;

Вашингтонда — АҚШ давлат секретари Г. Киссинжер, Президентнинг миллий хавфсизлик масалалари билан шуғулланувчи ёрдамчиси Б. Скаукрофт;

Лондонда — энергетика министри А. Вежвуд Бенн, атроф-муҳит масалалари билан шуғулланувчи министр П. Шор, собиқ бош министрлар Г. Вильсон ва Э. Хит;

Боннда — мудофаа министри Г. Лебер ва бошқалар;

Стокгольмда — Швеция Бош министри Т. Фельдин, ташқи ишлар министри К. Седер;

Ослода — Норвегия Бош министри О. Нурдли иштирок этдилар;

СССРнинг Пхеньяндаги, Пекин ,Хельсинки, Брюссель, Копенгаген, Вена, Афина, Женева, Дублиндаги ва бошқа пойтахтлардаги элчихоналарида ҳам Улуг Октябрнинг 59 йиллиги муносабати билан қабул маросимлари ўтказилди.

(ТАСС, 7 ноябрь).

ОКТЯБРЬ ШАРАФИГА ТАНТАНАЛИ САЛЮТ

(Бошы учинчи бетда).

транспарантларни қўлларида ифтихор билан кўтариб бордилар. Аврли газламалар комбинатининг колоннасида беш йиллик ичида ўн йиллик нормани бажариш мажбуриятини олган ишчилар бор эди. Ўзбекистон ССР 50 йиллиги номли шойи газламалар комбинати коллективининг сафларида ғоят тиғиз иш зоналарида меҳнат қилишга кўчган 200 дан ортиқроқ ишчи қадам ташлаб борди. Уларнинг кўплари ҳозироқ 1977 йил топшириқларини бажариб қўяй дейишди.

Химиклар, электр техника саноати ходимлари, тикувчилар Ленин майдонига Сифат белгиси эмблемасини кўтариб чиқдилар. Ўнинчи беш йилликнинг биринчи йили бошидан буён Наманган саноат маҳсулотининг 22 турига Сифат белгиси берилди.

Етиштирилган ҳосилнинг ҳаммасини тезроқ йиғиштириб олиш учун кузак фаслининг мана шу ниҳиқ об-ҳаво шароитларида фидокорона курашаётган пахтакорлар шаънига умумхалқ байрами куни кўпдан-кўп қизғин сўзлар айтилди. Наманганликлар техникадан самарали фойдаланиш учун мусобақа ғолиблари бўлган механизаторларни қизғин табриклардилар.

ХОРАЗМ меҳнаткашларининг намойиши Урганчдагч В. И. Ленин ҳайкали ўрнатилган бош майдонда бўлиб ўтди. Панно ва транспарантлар қадимий Хоразм диёрида совет ҳокимияти йилларида содир бўлган катта ўзгаришлар тўғрисида ҳикоя қилиб берди. Ҳозир область маркази саноатининг ўзигина 4 миллион сўмликдан кўпроқ турли маҳсулотни ойлик планга қўшимча равишда реализация қилди. Урганч. Янги Хива Ўзбекистоннинг энг соҳибкамол шаҳарларидан бири бўлиб қолди.

Партия XXV съезди ва КПСС Марказий Комитети октябрь Пленумининг самарадорликни ва иш сифатини бутун чоралар билан ошириш тўғрисидаги талабларини муваффақиятли суратда рўёбга чиқаришга шаҳар меҳнаткашлари интилаётганлиги колонналарнинг безатилишида ўз ифодасини топди. Кўпгина коллективлар беш йилликнинг биринчи йили топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун мусобақада эришган муваффақиятлари тўғрисидаги рапортларни кўтариб ўтдилар. Байрам намойишининг иштирокчилари кўтариб ўтган плакатларда Туямўйин гидроузели қурилиши суръатларининг ўсиб бораётганлиги ифодаланган. Амударё соҳилларида экономика ва маданиятнинг юксалиши ана шу иншоотнинг қурилиши билан боғлиқ.

Партия режасига биноан совет пахтачилигининг янги йирик райони барпо этилаётган Қарши даштининг беповён ерларини ўзлаштираётган қурувчилар **ҚАРШИда** Октябрь намойишининг қаҳрамонлари бўлишди. Улар ўзлари қўлга киритган муваффақиятлардан дарак беришди. Чўлқуварлар йил бошидан буён 117,5 миллион сўмлик капитал маблағни ўзлаштирдилар. Улар келгуси йилда чигит ва дон экиш учун яна 15 минг гектар қўриқ ерни тахт қилиб қўйдилар. Янги совхозларда 85 минг квадрат метр ўй-жой, мактаблар ва болалар боғчалари, бошқа маданий-маиший объектларни қуришди. Бундан ташқари Қарши чўлқуварлари улуғ байрам арафасида 135 минг тонна «оқ олтин» топширдилар. Қарши қўриқ ерининг дастлабки тонна пахталари хирмонга оширилган социалистик мажбурият ҳисобига топширилмоқда.

Байрам колонналарида оталиқ ташкилотлари — заводлар ва фабрикаларнинг ходимлари билан бир қаторда шаҳар атрофидаги колхоз ва совхозларнинг намояндалари ҳам қадам ташлаб боришди. Улар ишчилар синфи билан меҳнаткаш деҳқонларнинг бузилмас иттифоқини намойиш қилиш учун Ленин майдонига чиқдилар.

ГУЛИСТОН корхоналари ўн ойлик топшириққа қўшимча равишда икки миллион сўмлик саноат маҳсулоти реализация қилдилар. Бу ерда бўлиб ўтган намойиш иштирокчилари кўтариб ўтган плакатларда КПСС Марказий Комитети октябрь Пленуми ва СССР Олий Советининг навбатдаги сессияси қарорларига область марказининг меҳнаткашлари ана шундай жавоб қайтарганликлари ифодаланган.

Бошқа бир рақам ҳам тилга олинди: Гулистон ишчиларидан қарийб 160 киши йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажарганликлари тўғрисида байрам арафасида рапорт бердилар. Пахта тозалаш ва сут заводларининг, шунингдек электр устаҳоналарининг коллективлари социалистик мусобақада пешқадамлик қилмоқдалар.

Байрам тантаналарида область меҳнаткашлари пахта майдонларининг қаҳрамонларини шарафладилар. Улар деҳқонлар беш йиллик топшириқларини ва юксак социалистик мажбуриятларини шараф билан бажардилар деб астойдил ишонганликларини изҳор этдилар.

ЖИЗЗАХда байрам намойиши иштирокчилари орасида Мирзачўлни ўзлаштиришни поёнига етказаётган ва КПСС XXV съезди қарорларига биноан Жиззах даштининг бўш ётган ерлари қиёфасини ўзгартириш соҳасида катта ишларга киришган қурувчилар ҳам бор эди.

Чўлқувар қаҳрамонлар ўзлари эришган дастлабки муваффақиятлар тўғрисида рапортларни кўтариб ўтдилар. Жанубий Мирзачўл канали соҳилида қудратли насос станциясини барпо этиш қизғин бормоқда. Бу насос станциясининг қурилиши Сирдарёнинг сувини анча юқорига чиқариб бериш ва асрлар мобайнида инсон қадами етмаган кўпдан-кўп унумдор ерларни суғориш имкониятини беради.

Жиззах даштининг тўнғичи — Ульянов номли совхоз пахтакорлари байрамни муносиб кутиб олдилар. Улар йиллик топшириқлари ортиғи билан бажариб, далалардан қўшимча равишда кўпдан-кўп миқдорда пахта териб олишни мўлжаллаб турибдилар.

БУХОРОда байрам намойишининг иштирокчилари сафларида кўпгина миллат намояндалари бор эди. Улар қадимий шаҳар ва область экономикасини интенсив ривожлантириш соҳасидаги кенг иш программасини биргаликда амалга оширмоқдалар.

Намойишчилар ўнинчи беш йилликдаги янги қурилишларнинг схемаларини кўтариб ўтдилар. Бу схемалардаги рақамларда химия маҳсулоти, бинокорлик материаллари, газ, ип газлама, Бухоро области эндиликда фахрланадиган жамики маҳсулотларни ишлаб чиқаришнинг анча ўсиши ифодаланган. Саноатнинг ўсиш кўрсаткичлари билан бирга пахта, ғалла, сабзавот, мева, қоракўл тери ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришга тааллуқли топшириқлар ҳам ифодаланган.

Бухоро қурувчилари янги шинам уйларни фойдаланишга топширганликлари тўғрисида рапорт беришди.

Ўзбекистон меҳнаткашлари бутун мамлакат билан бирликда Октябрь тантаналарини партия билан халқнинг бузилмас бирлиги белгиси остида ўтказдилар.

(ЎзТАГ).

ФАН ВА ТЕХНИКАГА ҚЎШИЛГАН ҲИССА

СССР Министрлар Совети ҳузуридаги фан ва техника соҳасида Ленин мукофоти ва СССР Давлат мукофоти комитетининг илмий секретари профессор Н. С. АРЖАНИКОВ ҳикоя қилади

КПССнинг XXV съезди илмий тадқиқотларни янада ривожлантириш, илмий тадқиқот натижаларини халқ хўжалигига тез ва кенг қўламда жорий этишни янада авж олдириш зарурлигини таъкидлади. Ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитетининг октябрь Пленумида сўзлаган нутқида илм фан билан ишлаб чиқаришнинг алоқасини янада кучайтириш тўғрисида гапирди. Фан ва техника соҳасида 1976 йилги СССР Давлат мукофотларининг берилиши олимлар билан практиклар қалин ҳамдўстлигининг далилидир.

30 та энг атоқли ишлар ва 3 та дарслик авторлари СССР Давлат мукофотига сазовор бўлди. Бу йилги конкурс катта бўлди. Мисол учун физика бўлимини олиб кўрайлик.

Фаннинг шу соҳасидаги 20 та жуда қизиқарли ва қимматли ишдан атиги 6 таси конкурсга қўйилди ва тўрттасига Давлат мукофоти берилди.

Булар орасида белоруссиялик физик Ф. И. Федоров асарлари туркуми бор. Бу олим физиканинг энг муҳим бўлимларидан бири — кристаллооптикани тубдан қайта қурди ва ривожлантирди. У янги типдаги — бир карра синдирувчи кристаллар борлигини башорат қилди ва кенг қўламда тарқалган ютувчи ва гиротроп кристаллар оптик ҳоссаларининг аниқ назариясини биринчи бор тузди. Автор янги бир ҳодисани башорат қилди ва уни тажрибада кўрсатди.

СССР Фанлар академияси Ленинград физика-техника институти олимларининг назарий ва экспериментал тадқиқотлари натижасида Р. И. Жиоев ва бошқалар ҳозирги ним ўтказгич материаллар техникасида материаллар-нинг характеристикаларини аниқлаш янги методларини ишлаб чиқдилар, ним ўтказгичларда биринчи бор ядровий магнит резонанси оптик детектрланди. Авторлар олиб борган тадқиқотларнинг натижалари ним ўтказгич материаллар физикаси янги соҳасига асос қилиб олинди.

И. В. Курчатов номли атом энергияси институтининг бир группа физиклари — профессор А. М. Афанасевга, А. Н. Артемьевга ва бошқаларга такомил кристалларда ядро реакциясини бостириш ҳодисасини олдиндан айтиш, уни пайқаш ва тадқиқ этиш борасидаги ишлари туркуми учун ҳам Давлат мукофоти берилди. СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Ю. М. Каган раҳбарлигида уларнинг бажарган ишлари кристаллда ядро реакциясини бостириш ҳодисаси деган ном олган принципиал янги ҳодисани назарий башорат қилди ва буни тажрибада топди. Идеал кристалларда резонанс нурланиш тарқалаётганида ядро реакциясини анча ўзгартириш ва хаттоки, уни тўхтатиб қўйиш имконияти биринчи бор намойиш этилди. Бунда кўп нур ютувчи кристалл муайян шароитларда ядровий нурланиш учун амалда шаффоф бўлиб қолади.

Шу циклдаги ишларнинг натижалари модданинг структураси ядро реакциясининг характери ва интенсивлигига таъсир этолмайди, деган мавжуд тасаввурни тубдан ўзгартириб юборди.

Авиация ва ракета техникасида кенг қўламда қўлланилувчи юпқа деворли ва қийшиқ типдаги фазовий системаларга бағишланган монография учун академик И. Ф. Образцов билан Г. Г. Онановга мукофот берилди. Авторларнинг бу ишлари учадиган аппаратлар пишиқлигини тақрибий ҳал этиш инженерлик имкониятларини кенгайтиради.

В. А. Легасов ва бошқа олимлардан иборат составдаги авторлар группаси асл газ бирикмаларини синтез қилди ва шундай бирикмаларнинг физик, химик ҳоссаларини тадқиқ этди. Шундай бирикмаларнинг химиявий ҳолатлари биринчи бор муфассал ўрганиб чиқилди. Ксенон ва криптон фторидларининг амалда даврий системанинг ҳамма элементлари, шу элементларнинг оксидлари ва тузлари билан ўзаро таассуротлари тадқиқ этиб чиқилди. Асл газ фторидларини олиш самарали методлари ишлаб чиқилдики, бу метод чет элларда ишлаб чиқилган шундай методлардан анча устун туради.

Геология фани соҳасида профессор Н. В. Петровскаяга «Соф олтин» монографияси учун СССР Давлат мукофоти берилди. Унинг асари олтин негиз конлари ва сочма конлари минералогиясининг асосий масалаларини биринчи бор ёритиб берди.

П. Т. Тронько раҳбарлигидаги бир группа украиналик тарихчилар республика шаҳарлари ва қишлоқларининг қадимги замонлардан то ҳозирги кунларгача бўлган тарихи ёритиб берилган илк фундаментал асар яратганликлари учун тақдирландилар. Бу асарда олимлар билан кенг жамоатчилик, ишчилар, колхозчилар, шаҳар ва қишлоқ зиёлиларининг ижодий ҳамдўстлиги намоён бўлди. Шу монументал асар жамоат муҳокамаси жараёнида ғоят манзур бўлди. Кўп томли бу асар совет тарихшунослигида янги бир йўналишни очиб, совет ватанпарварлиги ва пролетар интернационализмини тарбиялашга ёрдам бераётганлиги айниқса таъкидлаб ўтилди.

Техника соҳасида 20 та иш авторларига СССР Давлат мукофотлари берилди.

Химия саноатида юксак босимли полиэтилен ишлаб чиқарадиган «Полимер-50» установкасини биргалашиб ишлаб чиққанликлари ва яратганликлари учун Совет Иттифоқи ва Германия Демократик Республикасининг бир группа мутахассислари — З. Н. Полякова, Нитче Рейнхардтга ва бошқаларга берилди. Бу иш Полоцк химия комбинатида катта тоннажли ва юксак даражада автоматлаштирилган технологик линияни вужудга келтириш ва ўзлаштиришга имкон берди.

Илмий-техникавий ечим СССР ва ГДРда яккаш қуввати оширилган технологик линиялар қўйилган янги ишлаб чиқариш соҳаларини лойиҳалашга имкон беради. «Полимер-50» жараёни юксак техника даражасида ишлаб чиқилганлиги жаҳон бозорида маҳсулотнинг рақобат қила олишига имкон беради.

В. И. Ленин номли Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалиги фанлари академиясининг академиги В. Н. Болтинский раҳбарлигидаги коллектив СССР Давлат мукофотига сазовор бўлди. Авторлар трактор техникаси ва машина-трактор агрегатлари тараққиётида янги бир йўналишни кашф этдилар, уни ишлаб чиқдилар ва амалга оширдилар.

Москвадаги «Красный пролетарий» заводидан чиққан авторлар Е. А. Акулин ва бошқалар кўп шпиделли токарлик вертикал ярим автоматларининг икки хил модели конструкциясини яратдилар. Шу улкан автоматлардан ҳар бирининг бўйи тўрт метрдан ошади, вазни эса 20 тоннадан оғирлик қилади. Бу автоматлардан кески асбоблар турли группалари воситасида бирданига бир неча хил деталга ишлов бериш — ҳамма хил токарлик ишларини, йўниш ва пармалаш ишларини бир пайтда бажариш мумкин.

Ҳар бир станок бир позицияли 5-7 та автоматдан иборат автомат линия ўрнини ёки 15-20 та универсал станок ўрнини боса олади. Ярим автоматларнинг жорий этилиши натижасида юксак малакали ишчиларнинг қўли бўшайди, машина-ускуналар эгаллаб турган майдон анча кичраяди, цех ичи транспорт алоқалари ва коммуникациялари соддалашади.

В. М. Боков ва бошқалардан иборат составдаги авторлар коллективи мавжуд станокларга нисбатан икки баравар юқори тезликда қувур пайвандлаб чиқарадиган агрегат яратганликлари учун СССР Давлат мукофотига сазовор бўлдилар.

В. Г. Веселаго ва бошқалардан иборат составдаги авторлар коллективи ғоят кучли стационар магнит майдони ҳосил қиладиган системалар комплексини ишлаб чиқди ва дунёда энг кучли магнит ясади. Булар муҳим физик тадқиқотлар олиб боришга имкон берди.

Москва Давлат университетининг олимлари турли мақсадларда ишлатиладиган антенналар яратиш практикасида радиотўлқин тарқатувчи системаларни ҳисоблаш янги методларини таклиф қилдилар. Группага академик А. Н. Тихонов бошчилик қилмоқда.

В. А. Гришмановский ва бошқалардан иборат составдаги авторлар коллективи олис космик алоқа системалари учун ғоят сезгир квант кучайтиргичларни таклиф қилди. Уларни қўллаш планеталараро автомат станциялар билан кўп маълумот олиб туришга имкон берувчи алоқа линиялари яратилишига, жумладан «Венера-9» ва «Венера-10» станцияларидан ноёб илмий маълумотлар олишга шароит туғдирди.

А. Ф. Захаров ва бошқалардан иборат составдаги бир группа металлурглар жаҳон практикасида биринчи бўлиб катта ҳажмдаги домна печларида ванадийли чўян эритиш технологиясини ишлаб чиқдилар, ўзлаштирдилар ва катта қўламдаги ишлаб чиқаришга жорий қилдилар. Бу технология Нижний Тагиль металлургия комбинатининг конверторларида илгари қўлланган ҳамма усуллар орасида энг унумли ва тежамлиси ҳисобланади.

Олимлар ва инженерлар эришган ютуқларга якун чиқараётиб, пойтахтнинг ташқи қиёфасини ўзгартиришга катта ҳисса қўшган москвалик бинокорлар қилган ишларни алоҳида кўрсатиб ўтмоқ лозим. А. Б. Друганова ва бошқалардан иборат составдаги ижодкор коллектив шулар жумласидандир. Нодир инженерлик иншоотлари комплексини яратувчилар дадил техникавий ечим қўллашлари натижасида Москва жануби-шарқий қисмининг архитектура қиёфаси ўзгариб кетди, пойтахтдаги Пролетар райони, Красногвардейск райони ва Жданово район аҳолисининг уй-жой ва маиший шароитлари анча яхшиланди. Ғоят мураккаб шаҳар қуриш проблемаси қисқа муддат ичида ҳал этилди. Жаҳон кўприксозлик практикасида илк бор олдиндан зўриқтирилган йиғма темир-бетондан яхлит пролёт иншоотлари системаси ишлатилди. Комплекс белгилаб қўйилган муддатидан 6 ой барвақт қуриб битказилди.

Олий мактаблар дарсликларининг авторларига 1976 йилги учта СССР Давлат мукофоти берилди. «Материаллар қаршилиги» дарслиги учун профессор В. И. Федосьев, «Чўкинди жинслар петрографияси» дарслиги учун профессор Н. В. Логвиненко, «Техник термодинамика» дарслиги учун академик В. А. Кириллин, академик А. Е. Шейндлин ва В. В. Сичев мукофот олдилар.

Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси ғолибларига ўнта Давлат мукофоти берилди.

(ТАСС).

СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚА ПЕШҚАДАМЛАРИ

ВЦСПС секретари В. И. Прохоров ҳикоя қилади

Мамлакатимиз беш йиллигининг биринчи йили марралари сари шаҳдам одим ташлаб, дадил илгариламоқда. КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг КПСС Марказий Комитети октябрь Пленумидаги нутқи, СССР Олий Совети бешинчи сессиясининг материаллари умумхалқ меҳнат ғайрати ва сиёсий активлигини янада жўш урдириб юборди. Миллион-миллион ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари меҳнатдаги янги зафарлар тўғрисида, шахсий йиллик топшириқлари муддатидан илгари бажарилганлиги ҳақида мамлакатга рапорт бермоқдалар. Уз меҳнати билан мамлакатимизни янада қудратлироқ ва кўркамроқ қилаётган кишиларнинг ижодий ташаббускорлигини Ватан юксак кадрламоқда.

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг меҳнатда жуда катта ютуқларга эришган социалистик мусобақа илғорларига СССРнинг 1976 йилги ўнта Давлат мукофотини бериш тўғрисидаги қарори Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг меҳнат аҳлига зўр эътибор билан қараётганлигининг якқол далили бўлди.

СССР Давлат мукофотлари лауреатлари сафига Ленин партияси XXV съезди қарорларини муваффақиятли амалга ошириш, беш йиллик топшириқларини бажариш учун ўтказилган социалистик мусобақа — буюк умумхалқ ҳаракати ташаббускорлари ва пешқадамлари, энг яхшиларнинг яхшилари қўшилдилар.

Меҳнатдаги жуда катта ютуқлари учун ҳамда техникадан ғоят самарали фойдаланиш йўлидаги социалистик мусобақани ривожлантиришда ҳамда ишлаб чиқариш қувватларини муддатидан олдин ўзлаштиришда ташаббус кўрсатганлиги учун бошқалар қатори Горький фрезер станоклари заводининг йўнувчиси В. Н. Натекин, Серго Оржоникидзе номидаги Москва станоксозлик заводининг токари Е. П. Копьев, Воронеж оғир механика пресслари заводи йиғувчи слесарларининг бригадири М. К. Шведов ака шулар жумласига киради. Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги номли Ғарбий Сибирь металлургия заводининг ходимларидан Н. И. Шафоростов, В. Р. Пешков, уларнинг ўртоқлари ишлаб чиқариш резервларидан моҳирона фойдаламоқдалар.

«Автодизель» ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли Ярославль мотор заводи двигатель синовчилар бригадасининг аъзолари В. Н. Терехов, В. А. Смирнов, В. А. Федотов, Ю. В. Шалайкинлар маҳсулот сифатини ошириш учун курашиб, двигателларни синашнинг илғор методларини ишлаб чиқиш ва жорий этишга катта ҳисса қўшдилар.

«Печоршахтострой» комбинати иккинчи шахта қуриш бошқармасидаги Г. М. Харченко раҳбарлигидаги конпроходка бригадаси «1-Воркашорская» шахтасини қуришга ва барвақт ишга туширишга катта ҳисса қўшди. Бригада меҳнатни ташкил қилишнинг илғор методларини жорий этиб, ғоят серунум конпроходка техникасидан омилкорлик билан фойдаланиб, ўтган беш йиллик мобайнида кон қазиш ишларида муттасил юксак суръатларга, кўпинча рекорд натижаларга эришди.

«Трудовская» шахтасида И. И. Стрельченко раҳбарлигидаги комплекс бригада комбайнда кўмир қазиб олишни ўн йилдан бери сурункасига кўпайтириб келмоқда. Ўтган беш йиллик давомида бригада пландан ташқари 480 минг тоннага яқин ёқилғи қазиб чиқарди. Тюмень областидаги Сургут нефть разведка экспедициясининг пармалаш мастери Н. У. Жумажонов бошчилигидаги пармалаш бригадаси ўтган беш йиллик топшириқларини тўрт йилда бажариш учун ўтказилган тармоқ социалистик мусобақаси ташаббускори бўлган эди.

Меҳнатда жуда катта муваффақиятларга эришганлиги ҳамда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш резервларини қидириб топиш ва улардан фойдаланишдаги ташаббуси учун мукофотга сазовор бўлган илғорлар орасида Волжск бирлашган дарё пароходчилигига қарашли «ОТ-2055» теплоходининг капитани Н. И. Вечеркин, «ТУ-114» кемасининг командири М. В. Поваляев, штурман П. Д. Кудрялар бор. Граждан авиацияси министрлиги Москва транспорт бошқармаси Домодедово авиация корхонаси учувчилар бўлинмасининг бу ходимлари аэрофлот бўлинмалари учиш экипажлари ўртасида авиация техникасидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ҳаракатининг ташаббускорлари бўлдилар.

Янги техникадан фойдаланиш, асбоб-ускуналарни модернизациялаш ҳамда бригада пудрати усулини саноатга жорий этиш асосида меҳнатда катта ютуқларга эришганлиги учун Суми областидаги Ахтир «Промсвязь» заводи комплекс бригадасининг бошлиғи Л. А. Поклонский, Волгоград областидаги П. А. Юдин номли Себряковский цемент заводи айланма печлари машинисти В. В. Кириллов, Брянск областидаги Дятьковский биллур заводининг ишчиси В. С. Семашколар ҳам мукофотга сазовор бўлдилар.

Енгил саноатнинг кўпгина меҳнатчилари мукобил планларни қабул қилиш ва амалга ошириш, бригада пудратини жорий этиш, ёндаш касбларни эгаллаш, мураббийлик ҳаракатини ривожлантириш ташаббускорлари бўлдилар. Булар орасида москвалик тўқувчи М. С. Иванникова, новосибирсклик моторчи-тикувчи Т. М. Соколенко, ҳалққа керакли маҳсулотларни тайёрлаб, шу маҳсулот сифатини доимо такомиллаштириб, самарали меҳнат қилаётган кўпгина кишилар бор.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши илғорларидан — дон, техника экинлари, сабзавот, мева ва картошкадан муттасил мўл ҳосил етиштириб келаётган, чорвачиликнинг юқори сифатли маҳсулоти етиштиришни кўпайтиришга эришган кишилар ҳам лауреатлар сафига қўшилдилар. Улар орасида Краснодар ўлкасидаги «Кавказ» колхози далачилик бригадаси бошлиғи А. В. Черепова, Амур областидаги «Волковский» совхозининг механизациялашган звено бошлиғи Ф. К. Остапенко, Калинин областидаги В. И. Ленин номли колхоз картошкакорлик звеносининг бошлиғи А. В. Чистяков, Озарбайжон ССР «26 Боку комиссарлари» колхози комсомол-ёшлар пахтачилик бригадасининг бошлиғи З. С. Асланова ва бутун мамлакатга донг таратган бошқа новаторлар бор. Улар ўз ўртоқлари билан биргаликда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини юксалтириш соҳасида партия кўйган вазифаларни амалга ошириш учун бошланган социалистик мусобақага бошчилик қилдилар.

ВЦСПС, совет касаба союзлари, мамлакат меҳнаткашлари 1976 йилги СССР Давлат мукофоти лауреатларини қизғин табриклайдилар. Уларга янги зафарлар, сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат тилайдилар. Совет касаба союзлари илғорлар тажрибасини кенг оммалаштириб, бу ташаббусни КПСС XXV съезди қарорларини, бел йилликнинг улуғвор режаларини муваффақиятли амалга ошириш учун мусобақалашаётган миллион-миллион меҳнатчиларнинг мулкига айлантиришни ўз бурчлари деб биладилар.

(ТАСС).

ХАЛҚ ТЎҒРИСИДА ВА ХАЛҚ УЧУН

СССР Министрлар Совети ҳузуридаги адабиёт, санъат ва архитектура соҳасидаги Ленин мукофоти ва СССР Давлат мукофоти комитетининг раиси Н. С. ТИХОНОВ ҳикоя қилади

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети 1976 йилги СССР Давлат мукофотлари бериш тўғрисида адабиёт, санъат ва архитектура соҳасида СССР Ленин мукофоти ва Давлат мукофоти комитетининг таклифларини кўриб чиқиб, тегишли қарор қабул қилдилар.

Шуни мамнуният билан айтиш мумкинки, юксак мукофотга сазовор бўлган асарларнинг жанрлари хилма-хил бўлиб, кўпгина миллий республикаларимиз санъаткорларига мансубдир. Ана шу машҳур маданият арбоблари ижодининг бош хусусияти шундан иборатки, улар ўз асарларини халқ тўғрисида ва халқ учун яратмоқдалар.

Оддий инсонга меҳр-муҳаббат туйғуси билан ёзилган кўпгина асарлар муаллифи — рус ёзувчиси М. Н. Алексеевга «Ҳандон тол» романи учун адабиёт соҳасидаги СССР Давлат мукофоти берилди. «Ҳандон тол»да уруш йилларидаги ва урушдан кейинги даврдаги колхоз қишлоғининг ҳаёти, ундаги одамларнинг қаҳрамонона ватанпарварлиқ меҳнати акс эттирилган. Ўзига хос жозибадор характерлар тасвирланган бу китоб ширали ва ифодали тил билан ёзилган.

Ўзбекистон халқ шоираси Зулфиянинг ижоди мамлакатимизда ва чет элларда маълум. Унинг «Хотира сатрлари» китоби ва «Камалак» шеърлар туркуми юксак мукофот билан тақдирланди. Бу шеърларда шоиранинг жонажон диёрга меҳр-муҳаббати, ҳозирги замон ўзбек хотин-қизлари ички дунёси алоҳида куч билан ифода этилган.

Қалмоғистон халқ шоири Д. Н. Кугультиновнинг кўпгина машҳур китобларидаги шеърий сатрлар китобхонлар қулоғида кўпдан бери жаранглаб келмоқда. Ёркин талант соҳиби бўлган бу ёзувчи «Апрель даъвати» шеърлар ва достонлар тўплами учун мукофот олди. Бу китобда баҳор ва инсон тўғрисидаги лирик шеърлар билан бирга мамлакат ва тинчлик тўғрисидаги, революция йўлбошчиси В. И. Ленин ҳақидаги фалсафий ўйлардан иборат достонлар жой олган.

Арманистоннинг энг таниқли шоирларидан бири Г. Г. Эмининг «Аср, Ер, Муҳаббат» шеърий китоби учун мукофот берилди. Ифодали, жўшқин асарлардан иборат бу китоб она диёр жамолидан куйонч, бунёдкор инсон учун ифтихор туйғулари билан тўлиб-тошган. Халқ турмушига ихлос қўйган бу муаллиф дадил новаторлиги билан ҳам ажралиб туради.

Грузия ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Г. А. Канчели тўртинчи симфонияси учун юксак мукофотга мушарраф бўлди. Микеланжело хотирасига бағишланган бу асарда ўз асрининг ғоялари билан яшовчи, ўтмишни ҳам, ҳозирги кунни ҳам илҳом билан тараннум этувчи замонавий санъаткорнинг овози салобатли янграйди.

«Ленин биз билан бирга» кантатаси ва оркестр билан фортепьянода ижро этиладиган иккинчи концерти учун РСФСР халқ артисти А. Я. Эшпай Давлат мукофоти билан тақдирланди. Бу композиторнинг ижодида рус ва мари халқ музикаси анъаналари ривожланиб бормоқда, унинг асарлари ифодадорлик ва уйғунликнинг янги воситаларини автор тинимсиз қидираётганлигидан далолат беради.

Улуғ Ватан урушида совет халқи эришган ғалабанинг 30 йиллиги шарафига Мэрнеули шаҳрида қурилган ҳайкал ўзининг гражданлик жарангдорлиги, бадиий фазилатлари билан совет ҳайкалтарошлигининг катта воқеаси бўлди. Унинг бунёдкори — Грузия ССРда хизмат кўрсатган рассом М. И. Бердзенишвили ҳақли равишда Давлат мукофотининг лауреати бўлди.

Литва ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби С. А. Красаускас «Абадий барҳаётлар» гравюра туркуми учун юксак мукофотга сазовор бўлди. Машаққатли уруш йилларидаги одамларнинг тақдири акс эттирилган, бунёдкор инсоннинг ҳаёти, муҳаббати ва меҳнати, онанинг ер юзидаги юксак бурчи тараннум этилган 36 график саҳифа зўр маҳорат билан, чуқур фалсафий тафаккур билан ижод этилган.

«Сокин осмон остида» ва «Тонг отарда» суратлари кўпчиликка машҳур бўлди. Бу асарларда Арманистон манзаралари, унинг ўтмиши ва ҳозирги бахтиёр ҳаёти гавдаланириб берилган. Бу асарларнинг шоирона ифодали қилиб чизилганлиги ва моҳирона тасвирий фазилатлари туфайли уларнинг автори — Арманистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби С. М. Мурадян Давлат мукофотининг лауреати бўлди.

Қирғизистон академик опера ва балет театрида саҳналаштирилган «Момо ер» балет-ораториясига театр санъати соҳасидаги мукофот бериладиган бўлди. Унинг бунёдкорларининг таланти, ижрочиларининг юксак маҳорати туфайли бу спектакль халқ жасорати мавзуи эпосларга хос кенг миқёс касб этган. Композитор ва дирижёр, Қирғизистон ССР халқ артисти К. Молдобасанов, постановкачи балетмейстер У. Сарбағишев, раққослардан Қирғизистон ССР халқ артисти Р. Чўйоева ва Қирғизистон ССРда хизмат кўрсатган артист О. Тўқомбоевалар лауреат бўлишди.

«Петр—1» операси музика ва театр маданиятимизнинг катта воқеаси бўлиб қолди. С. М. Киров номидаги Ленинград академик опера ва балет театрида саҳналаштирилган бу операда машҳур тарихий роман қаҳрамонлари қайтадан жонланди. Мукофот композитор, РСФСР халқ артисти А. П. Петровга, постановкачи — режиссёрлар РСФСРда хизмат кўрсатган артист Н. Д. Касаткина ва В. Ю. Василевга, дирижёр РСФСР халқ артисти Ю. Х. Темиркановга, хормейстер РСФСР халқ артисти А. Г. Муринга, бош роль ижрочиси — РСФСР халқ артисти В. М. Морозовга бериладиган бўлди.

Болаларга аталган санъат асарлари учун мукофотга «Чиполлино» балетининг ижодкорлари сазовор бўлишди. Бу балетда Жанни Родариннинг болалар севиб қолган қаҳрамонлари, ундаги гўзал поэзиянинг ифодали дунёси қайта жонланган бўлган.

Бу балет Т. Г. Шевченко номидаги Киев академик опера ва балет театри саҳнасида қўйилди. РСФСРда хизмат кўрсатган санъат арбоби композитор К. С. Хачатурян, балетмейстер Г. А. Майоров, дирижёр К. А. Еременко ва балет солистлари — Украина ССРда хизмат кўрсатган артистлар Е. В. Косменко ҳамда Л. И. Сморгачевалар мукофот билан тақдирландилар.

«Ленфильм» киностудиясида суратга олинган «Мукофот» бадиий фильми томошабинларга ғоят манзур бўлди. Бу коллективнинг кучи, ундаги аъзоларнинг коммунистик ахлоқ ва одоб тантанасига ишончи тўғрисидаги юксак ҳаққоний асардир. Бу иш учун сценарийчи А. И. Гельманга, режиссёр С. Г. Микаэлянга, оператор В. Н. Чумакка, РСФСР халқ артисти В. Я. Самойловга, РСФСР халқ артисти Н. Н. Ургантга ва РСФСР халқ артисти Е. П. Леоновга мукофот берилди.

Совет Иттифоқининг тинчликни мустаҳкамлаш йўлидаги кураши муҳим босқичларини ифодалаган теле ва кино ҳужжатли асарлар кўпчиликка машҳур бўлди. «Тинчлик программаси амалда» ва «Тинчликнинг қийин йўллари» фильмлари шулар жумласига киради. Шу ленталарни яратишда қатнашган сценарийчилар, сиёсий обзорчилар ва халқаро мавзудаги публицистлар В. П. Дунаев, В. С. Зорин, А. Г. Ковалев, режиссёрлардан В. П. Лисакович ва РСФСРда хизмат кўрсатган санъат арбоби А. А. Колошин, операторлар А. Д. Иванов, Д. Г. Серебряков РСФСРда хизмат кўрсатган санъат арбоблари А. С. Кочетков ва В. В. Микоша, шунингдек Г. А. Серовларга мукофот берилди.

РСФСРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Ф. С. Хигрук «Фильм, фильм, фильм...» мультипликация лентолари, Винни-Пух тўғрисида трилогияси, «Ороль», «Сенга юлдуз совға қиламан» мультфильмлари учун СССР Давлат мукофоти билан тақдирланди. «Союзмультфильм» киностудиясида ишлаб чиқарилган ва юксак маҳорат билан яратилган бу асарларнинг эртакнамо вазиятлари замирида ҳозирги воқеликнинг муҳим ҳаётий проблемалари тасвирланган.

Архитектура соҳасида Ашхобод марказида қад кўтарган Карл Маркс номли Туркманистон Давлат кутубхонаси биносининг ижодкорлари, авторлар коллективининг раҳбари архитектор А. Р. Аҳмедов, бинокор инженер С. Н. Сапаров ва комплекс бригада мастери М. И. Даниельянцлар Давлат мукофотига сазовор бўлдилар. Улар барпо этган бинонинг архитектураси ғоят мунтазамлиги, кўркамлиги ва замонавий услуби билан ажралиб туради.

СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси В. Н. Лазарев «Византия» тасвирий санъати», «Қадимий рус мозаикаси ва фрескалари», «Қадимий Италия усталари» ва «Қадимий Европа усталари» китоблари учун мукофот билан тақдирланди. Олимнинг бу асарлари совет ва жаҳон санъатшунослигига қўшилган катта ҳиссадир.

Санъатшунослик фанлари доктори А. В. Бунин ва архитектура кандидати Т. Ф. Саваренская «Шаҳарсозлик санъати тарихи» монографик тадқиқоти учун Давлат мукофоти лауреатлари бўлдилар. Бу асарда проблема кенг миқёсда очиб берилган, шаҳарсозлик назарияси ва практикаси чуқур анализ қилинган.

Ёзувчилар, музикачилар, рассомлар, архитекторлар, кино ва театр арбобларининг шу қадар катта отрядига 1976 йилги СССР Давлат мукофотларининг берилиши — социалистик Ватанимиз кўп миллатли санъатини ривожлантиришда эришилган катта ютуқларнинг яққол далилидир (ТАСС).